
Ўзбекистонда буғдой ўсимлиги уруғининг ривожланиши учун ўртача кунлик ҳаво ҳарорати камида 2,5-3,0°C бўлиши талаб қилинади, ҳарорат 3°C дан ошгандан кейин униб чиқа бошлайди. Амал даврида буғдойнинг иссиқликка бўлган талаби ўзгариб туради. Буғдой уруғи ҳаво ҳарорати 1-2°C да униб чиқишни бошлайди ва ҳароратнинг кўтарилиши билан униб чиқиш тезлашади. Кузги буғдой 4,4°C ҳароратда 6-куни униб чиқади, 10,2°C да 3 кунда, 15°C да 2 кунда униб чиқади. Баҳорги буғдой 5°C ҳароратда 20-куни, 8°C да 13-куни, 15°C да 7-куни униб чиқа бошлайди. Униб чиқиш ва тупланиш даврида 12-14°C, доннинг тўлишиш даврида 22-25°C ҳарорат макбул ҳисобланади. Ҳар бир ўсимлик етарли нам билан таъминланганда ривожланиш паллаларини босиб ўтиши учун маълум фойдали ҳарорат йиғиндисини талаб қилади. Илмий маълумотлар бўйича амал даврида кузги буғдой 1800-2100°C, баҳорги буғдой эса 1100-1300°C ҳарорат қабул қилади. Қишга тайёрлаш учун имкон қадар кундуз куни қуруқ ҳаво 10-12°C ҳарорат, кечаси ҳароратнинг 0°C гача бўлиши яхши бўлади. Баҳорда буғдой яхши ўсади ва 12-15°C да амал олади. Найчалаш даврида 15-16°C талаб қилинади, бошоқлаш ва гуллаш даврида 18-20°C ҳарорат етарли бўлади. Буғдой 40-42°C гача иссиқ ҳавога чидайдди. Бу шароитларда коникарли равишда чангланади. Пишиш даврида макбул ҳарорат 22-30°C ҳисобланади. Кузги буғдой жуда совуқликка чидамли, қорнинг қалинлиги 20 см бўлганда қарийб – 20-30°C совуққа ҳам чидамли. Ўзбекистонда доимо қор қалинлиги етарли эмас, шунинг учун буғдой -10°C совуқликка чидайдди. Лекин, гуллаш ва донининг тўлишиши даврида -1-2°C совуқ бўлса ҳам шикастланади. [Моисейчик, 1975; Группер, 1998; Курбанов ва бошқ., 1999].

**Ишнинг мақсади** суғориладиган ҳудудларда жойлашган метеорология станцияларида жорий иқлимий даврда (1991-2020 йй.) кузда ва баҳорда ўртача ҳаво ҳароратининг турли даражадан ўтишини ҳисоблаш бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар қўйилган:**

- кўпйиллик архив маълумотларни шакллантириш;
- статистик таҳлиллар асосида ўртача ҳаво ҳароратининг турли даражадан ўтиш саналарини аниқлаш.

Мазкур ишнинг **тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида жойлашган метеорология станциялари танланган. **Тадқиқот предмети** – метеорология станциялари маълумоти бўйича ўртача ҳаво ҳароратининг кузда ва баҳорда турли даражадан ўтиш саналари ҳисобланади.

**Бошланғич маълумотлар ва тадқиқот усуллари.** Ишда 1991-2020 йиллар давомида ўртача ҳаво ҳарорати тўғрисидаги маълумотлар йўриқномага

[Гидрометеорологик..., 2009] мос ҳолда олиб борилган ва Ўзгидромет архив фондидаги ТМ-1 жадвалларидан олинган.

Тадқиқотни олиб боришда республикамизнинг турли минтақаларида жойлашган вилоятларнинг суғориладиган ҳудудларидаги метеорология станциялари танлаб олинган (1-жадвал). Ушбу минтақаларда жойлашган станцияларнинг денгиз сатҳига нисбатан баландлиги куйидагича: I-минтақа – 59,7-113,8 м, II-минтақа – 311,2-840,0 м, III-минтақа – 196,8-736,9 м, IV-минтақа – 399,2-751,1 м.

*1-жадвал*

### Турли минтақалардаги метеорология станциялари

*1-жадвал*

### Метеорологические станции в разных регионах

*Table 1жадвал*

### Meteorological stations in different regions

Минтақалар			
I	II	III	IV
Хоразм вилояти (Хива, Урганч, Туямўйин)	Сурхондарё вилояти (Термиз, Шеробод, Шўрчи, Денов)	Бухоро вилояти (Қоракўл, Бухоро)	Андижон вилояти (Улуғнор, Қўрғонтепа, Андижон, Бўз)
Қорақалпоғистон Республикаси (Тахтақўпир, Қўнғирот, Чимбой, Тахиатош)	Қашқадарё вилояти (Муборак, Қарши, Ғузор, Шахрисабз, Дехқонобод)	Навоий вилояти (Навоий)	Наманган вилояти (Поп, Наманган)
		Самарқанд вилояти (Пайшанба, Дахбет, Самарқанд, Қўшработ)	Фарғона вилояти (Қўқон, Кува, Фарғона)
		Жиззах вилояти (Дўстлик, Жиззах)	
		Сирдарё вилояти (Сирдарё, Янгиер)	
		Тошкент вилояти (Янгийўл, Кўкорол, Далварзин, Туябўғиз, Бекобод)	

**Тадқиқот услубияти.** Ишни бажаришда манбаларда [Уланова, Забелин, 1990; Абдуллаев ва бошқ., 2009; Руководящие..., 2017] келтирилган ва уларда қўлланилган усуллардан фойдаланилди.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган ҳудудларнинг агрометеорологик шароитлари ҳақидаги маълумотлар келажакда истиқболли йўналишларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳаттоки, умумлаштирилган маълумотлар ҳам мутахассислар учун муҳим бўлиб, у хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда донли экинлар экиш билан шуғулланувчи хўжаликларни ривожлантириш масалаларини ўрганишга хизмат қилиши мумкин.

2- ва 3-жадвалларда республикамизнинг барча вилоятларида жойлашган таянч метеорология станцияларининг кўп йиллик (1991-2020 йй.) маълумотлари асосида

хисобланган ўртача кунлик ҳаво ҳароратининг кузда 25°, 20°, 15°, 10°, 5°, 3° ва 0°C ва баҳорда 0°, 3°, 5°, 10°, 15°, 20°, 25°C дан турғун ўтишининг кўп йиллик ўртача саналари келтирилган.

2-жадвалда келтирилганидек, кузда ўртача ҳаво ҳароратининг 25° ва 3,0°C даражадан ўтиши минтақалар бўйича қуйидаги ораликда тебраниб туради: 25°C дан турғун ўтиши I, III ва IV-минтақаларда – август ойининг учинчи беш кунлигида, II-минтақа – сентябрь ойининг биринчи беш кунлигида; 3,0°C дан турғун ўтиши I-минтақада – ноябрь ойининг тўртинчи-бешинчи бешкунликлари, II-минтақада – январь ойининг биринчи бешкунлиги, III-минтақада – декабрь ойининг учинчи ўнқунлиги, IV-минтақада – ноябрь ойининг олтинчи беш кунлиги-декабрь ойининг биринчи бешкунлиги.

*2-жадвал*

**Кузда ўртача кунлик ҳаво ҳароратининг 25°, 20°, 15°, 10°, 5°, 3° ва 0°C дан турғун ўтишининг кўп йиллик ўртача саналари (1991-2020 йй.)**

*Таблица 2*

**Средние многолетние даты устойчивого перехода среднесуточной температуры воздуха осенью от 25°, 20°, 15°, 10°, 5°, 3° и 0°C (1991-2020 гг.)**

*Table 2*

**Average long-term dates of stable transition of the average daily air temperature in autumn from 25°, 20°, 15°, 10°, 5°, 3° and 0°C (1991-2020)**

Вилоят, станция	Турли даражадан ўтиш санаси						
	25°C	20°C	15°C	10°C	5°C	3°C	0°C
<b>Қорақалпоғистон</b>							
Тахтақўпир	23.VIII	11.IX	25.IX	22.X	10.XI	14.XI	25.XI
Қўнғирот	22.VIII	12.IX	1.X	21.X	8.XI	14.XI	24.XI
Чимбой	22.VIII	10.IX	1.X	21.X	8.XI	14.XI	26.XI
Нукус	26.VIII	17.IX	3.X	24.X	12.XI	16.XI	29.XI
Тахиятош	26.VIII	16.IX	3.X	27.X	13.XI	20.XI	30.XI
<b>Хоразм</b>							
Хива	26.VIII	16.IX	4.X	3.XI	15.XI	24.XI	12.XII
Урганч	23.VIII	13.IX	3.X	25.X	13.XI	20.XI	10.XII
Туямўйин	28.VIII	20.IX	6.X	3.XI	16.XI	25.XI	3.I
<b>Сурхондарё</b>							
Термиз	6.IX	4.X	22.X	17.XI	27.XII	-	-
Шеробод	15.IX	7.X	3.XI	25.XI	12.I	-	-
Шўрчи	31.VIII	28.IX	20.X	16.XI	27.XII	-	-
Денов	4.IX	3.X	31.X	21.XI	10.I	-	-
<b>Қашқадарё</b>							
Муборак	11.IX	29.IX	17.X	13.XI	30.XI	3.I	-
Қарши	4.IX	27.IX	18.X	13.XI	4.XII	11.I	-
Ғузор	10.IX	2.X	31.X	20.XI	8.I	12.I	-
Шаҳрисабз	2.IX	29.IX	13.X	14.XI	15.XII	12.I	-
Дехқобод	1.IX	25.IX	16.X	14.XI	27.XII	12.I	-
<b>Бухоро</b>							
Қорақўл	1.IX	22.IX	12.X	9.XI	30.XI	23.XII	-
Бухоро	2.IX	21.IX	10.X	8.XI	27.XI	11.XII	-
<b>Навоий</b>							
Навоий	29.VIII	19.IX	12.X	8.XI	30.XI	6.I	-
<b>Самарқанд</b>							
Пайшанба	22.VIII	18.IX	6.X	6.XI	30.XI	27.XII	-
Даҳбет	17.VIII	17.IX	6.X	8.XI	30.XI	27.XII	-
Самарқанд	21.VIII	18.IX	9.X	6.XI	1.XII	3.I	-

## 2-жадвалнинг давоми

Кўшработ	24.VIII	13.IX	5.X	3.XI	23.XI	21.XII	9.I
<b>Жиззах</b>							
Дўстлик	25.VIII	20.IX	10.X	8.XI	29.XI	10.XII	-
Жиззах	26.VIII	20.IX	7.X	8.XI	30.XI	19.XII	-
<b>Сирдарё</b>							
Сирдарё	23.VIII	17.IX	7.X	5.XI	21.XI	1.XII	6.I
Янгиер	27.VIII	21.IX	11.X	9.XI	30.XI	30.XII	-
<b>Тошкент</b>							
Далварзин	23.VIII	19.IX	8.X	8.XI	26.XI	2.I	-
Бекобод	27.VIII	19.IX	6.X	8.XI	30.XI	2.I	-
Кўкорол	7.VIII	5.IX	5.X	5.XI	21.XI	1.XII	4.I
Янгийўл	25.VIII	19.IX	6.X	5.XI	24.XI	3.XII	-
Туябўғиз	26.VIII	5.X	12.X	8.XI	26.XI	13.XII	-
<b>Андижон</b>							
Улуғнор	24.VIII	18.IX	7.X	4.XI	22.XI	27.XI	1.I
Бўз	24.VIII	21.IX	9.X	5.XI	22.XI	1.XII	1.I
Андижон	25.VIII	21.IX	8.X	5.XI	23.XI	2.XII	8.I
Кўрғонтепа	7.VIII	14.IX	6.X	3.XI	20.XI	27.XI	19.XII
<b>Наманган</b>							
Поп	28.VIII	27.IX	13.X	8.XI	25.XI	5.XII	12.I
Наманган	28.VIII	27.IX	13.X	7.XI	26.XI	5.XII	10.I
<b>Фарғона</b>							
Кўқон	29.VIII	22.IX	8.X	7.XI	24.XI	3.XII	9.I
Кува	22.VIII	19.IX	8.X	5.XI	23.XI	3.XII	10.I
Фарғона	26.VIII	21.IX	8.X	7.XI	24.XI	4.XII	11.I

## 3-жадвал

Баҳорда ўртача кунлик ҳаво ҳароратининг 0°, 3°, 5°, 10°, 15°, 20° ва 25° С дан турғун ўтишининг кўп йиллик ўртача саналари (1991-2020 йй.)

Таблица 3

Средние многолетние даты устойчивого перехода среднесуточной температуры воздуха весной от 0°, 3°, 5°, 10°, 15°, 20° и 25°C (1991-2020 гг.)

Table 3

Average long-term dates of stable transition of the average daily air temperature in spring from 0°, 3°, 5°, 10°, 15°, 20° and 25°C (1991-2020)

Вилоят, станция	Турли даражадан ўтиш санаси						
	0°C	3°C	5°C	10°C	15°C	20°C	25°C
<b>Қорақалпоғистон</b>							
Тахтакўпир	1.III	6.III	20.III	2.IV	16.IV	6.V	5.VI
Кўнғирот	28.II	7.III	19.III	4.IV	17.IV	7.V	6.VI
Чимбой	26.II	5.III	19.III	3.IV	17.IV	8.V	10.VI
Нукус	27.II	4.III	15.III	2.IV	16.IV	8.V	27.V
Тахиятош	19.II	3.III	14.III	29.III	9.IV	5.V	30.V
<b>Хоразм</b>							
Хива	17.II	28.II	4.III	23.III	8.IV	3.V	28.V
Урганч	18.II	1.III	5.III	25.III	7.IV	5.V	22.V
Туямўйин	16.II	27.II	4.III	23.III	7.IV	4.V	29.V
<b>Сурхондарё</b>							
Термиз	-	-	27.I	4.III	31.III	16.IV	12.V
Шеробод	-	-	16.I	1.III	22.III	16.IV	12.V
Шўрчи	-	-	8.II	5.III	20.III	30.IV	28.V
Денов	-	-	25.I	5.III	6.IV	29.IV	26.V

## 3-жадвалнинг давоми

<b>Қашқадарё</b>							
Муборак	-	27.I	17.II	13.III	6.IV	22.IV	26.V
Қарши	-	26.I	15.II	14.III	7.IV	29.IV	27.V
Ғузор	-	20.I	10.II	14.III	6.IV	30.IV	27.V
Шаҳрисабз	-	21.I	19.II	14.III	7.IV	4.V	31.V
Дехқонобод	-	25.I	21.II	22.III	9.IV	13.V	7.VI
<b>Бухоро</b>							
Қоракўл	-	30.I	20.II	21.III	6.IV	1.V	27.V
Бухоро	-	10.II	21.II	20.III	6.IV	30.IV	27.V
<b>Навоий</b>							
Навоий	-	26.I	20.II	20.III	8.IV	3.V	29.V
<b>Самарқанд</b>							
Пайшанба	-	15.II	22.II	22.III	8.IV	9.V	4.VI
Даҳбет	-	10.II	26.II	23.III	11.IV	18.V	16.VI
Самарқанд	-	14.II	23.II	22.III	8.IV	14.V	16.VI
Қўшрабат	28.I	22.II	3.III	26.III	17.IV	24.V	17.VI
<b>Жиззах</b>							
Дўстлик	-	20.II	25.II	21.III	9.IV	3.V	4.VI
Жиззах	-	19.II	23.II	21.III	9.IV	5.V	3.VI
<b>Сирдарё</b>							
Сирдарё	-	20.II	27.II	21.III	8.IV	4.V	31.V
Янгиер	-	15.II	21.II	19.III	8.IV	3.V	29.V
<b>Тошкент</b>							
Далварзин	-	17.II	22.II	16.III	7.IV	3.V	30.V
Бекобод	-	15.II	23.II	17.III	7.IV	5.V	5.VI
Кўкорол	26.I	26.II	2.III	22.III	9.IV	13.V	17.VI
Янгийўл	-	26.II	25.II	21.III	3.IV	4.V	4.VI
Туябўғиз	-	19.II	22.II	21.III	8.IV	4.V	6.VI
<b>Андижон</b>							
Улуғнор	26.I	21.II	1.III	21.III	18.IV	5.V	6.VI
Бўз	26.I	21.II	28.II	23.III	8.IV	5.V	13.VI
Андижон	24.I	21.II	28.II	21.III	7.IV	4.V	3.VI
Қўрғонтепа	11.II	25.II	3.III	22.III	18.IV	24.V	26.VI
<b>Наманган</b>							
Поп	23.I	13.II	23.II	17.III	6.IV	3.V	30.V
Наманган	23.I	19.II	22.II	18.III	8.IV	3.V	31.V
<b>Фарғона</b>							
Қўкон	23.I	19.II	23.II	20.III	10.IV	4.V	2.VI
Қува	24.I	20.II	25.II	22.III	8.IV	7.V	6.VI
Фарғона	23.I	20.II	23.II	22.III	8.IV	4.V	5.VI

3-жадвалдан кўришиб турибдики, баҳорда ўртача ҳаво ҳароратининг  $3,0^{\circ}$  ва  $25,0^{\circ}\text{C}$  даражадан ўтиши минтақалар бўйича қуйидаги ораликда ўзгариб туради:  $3,0^{\circ}\text{C}$  дан турғун ўтиши I-минтақада – март ойининг биринчи бешкунлиги, II-минтақада – январь ойининг бешинчи беш кунлиги, III-минтақада – февраль ойининг тўртинчи-бешинчи бешкунлиги ва IV-минтақада – февраль ойининг тўртинчи беш кунлиги;  $25,0^{\circ}\text{C}$  дан турғун ўтиши I-минтақада – май ойининг олтинчи бешкунлигидан июнь ойининг олтинчи бешкунлиги, II-минтақада – май ойининг иккинчи бешкунлигидан олтинчи бешкунлиг, III-минтақада – май ойининг олтинчи бешкунлигидан июнь ойининг учинчи бешкунлиги, IV-минтақада – май ойининг олтинчи беш кунлигидан июнь ойининг иккинчи бешкунлиги.

**Хулоса.** Баҳор ва кузда ҳаво ҳароратининг турли даражалардан I-минтақада қолган II-IV-минтақаларга қараганда баҳорда кечроқ, кузда эса эртароқ кузатилади.

II-III-минтақаларда (Тошкент вилоятидан ташқари) ҳавода куз ва баҳорда 0,0°C дан турғун ўтиши кузатилмайди. Бу ерда албатта ҳудудларнинг жойлашганлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Ўсимликларни экиш муддатини аниқлашда, агротехник тадбирларни ўтказишда, ҳосилни йиғиб олиш режаларини тузишда, албатта, ҳар бир туманнинг иссиқлик ресурсларидан самарали фойдаланишдан ташқари об-ҳавонинг хатарли ҳодисаларини (қора совуқ, кучли шамол, дўл, сел, гармсел ва ҳ.) ҳам ҳисобга олиш зарур.

**Муаллифлар ҳиссаси.** **Г.Х. Холбаев:** мақоланинг ғояси, раҳбарлик, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. **Х.Т. Эгамбердиев:** методология, натижалар таҳлили, мақолани расмийлаштириш. **Ж.М. Қузиёв, Қ.М. Махмудов:** маълумотларни тўплаш, ҳисоблашларни бажариш. Барча муаллифлар кўлёманинг нашрга тавсия этилган матни билан танишдилар ва ўз розилиklarини билдирдилар.

## АДАБИЁТЛАР

*Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х.* Рис, пшеница, хлопковое волокно по странам мира. – Ташкент: НИГМИ, 2005. – 240 с.

*Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х., Сафаров Э.Ю.* Агрометеорологияда муносабатли тенгламаларни топишда математик статистикани қўллаш. ЭҲМ ва Географик ахборот тизимларидан фойдаланиш учун кўрсатма. – Тошкент: ГМИТИ, 2009. – 150 б.

*Арипджанова Ф.А., Холбаев Г.Х., Эгамбердиев Х.Т.* Фарғона станциясида метеорологик катталикларнинг ўзгариши / “Фарғона водийсида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик хусусиятлари ва уларни оптималлаштириш” республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Наманган, 2021. – Б. 72-76.

*Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х., Пулатов У.Ш., Кутлимуратов Х.Р., Султанова С.М.* О виде развития тенденции урожайности риса, пшеницы, хлопкового волокна в различных странах мира // Труды НИГМИ. – Вып. 7(252). 2006. – С. 29-41.

*Абдуллаев А.К., Назаров Р.С., Холбаев Г.Х., Гафуров Э.Ш.* Об особенностях продовольственной проблемы в различных странах мира / “Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари” республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2003. – Б. 120–122.

*Бабушкин Л.Н., Козгай Н.А., Закиров Ш.С.* Агроклиматические условия сельского хозяйства Узбекистана. – Ташкент: Мехнат, 1985. – 160 с.

Гидрометеорологик станция ва постларга йўриқнома. 11-нашр. Станция ва постларда агрометеорологик кузатувлар: 1 қисм. Асосий агрометеорологик кузатувлар. – Тошкент: 2009. – 325 б.

*Группер С.Р.* Агрометеорологическая оценка продуктивности озимой пшеницы в Узбекистане. – Ташкент: САНИГМИ, 1998. – 156 с.

*Кратенко А.Ю., Абдуллаев Х.М.* Энергетические ресурсы. – Ташкент, 2008. – 123 с.

*Курбанов Г., Умарова М.* Особенности выращивания пшеницы // Сельское хозяйство Узбекистана. – 1999. – № 6. – С. 21-23.

*Моисейчик В.А.* Агрометеорологические условия и перезимовка озимых культур. – Л.: Гидрометеоиздат. 1975. – 295 с.

*Муминов Ф.А., Абдуллаев Х.М.* Агроклиматические ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент. САНИГМИ, 1997. – 178 с.

Руководящие указания ВМО по расчету климатических норм. Издание 2017 г., Женева. – 21 с.

*Султашова О.Г.* Об особенностях взаимосвязи температуры почвы и температуры воздуха // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 2008. 30-жилд. – С. 69-72.

*Уланова Е.С., Забелин В.Н.* Методы корреляционного и регрессионного анализа в агрометеорологии. – Л.: Гидрометеоиздат, 1990. – 206 с.

*Холбаев Г.Х., Абдуллаев А.К.* Иқлим ўзгаришини ҳаво ҳароратининг турли даражадан ўтишига таъсири ҳақида (Самарқанд вилояти мисолида) / “География XXI асрда: Муаммолар, ривожланиш истиқболлари” республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд. 2017. – Б. 246-249.

*Холбаев Г.Х., Эгамбердиев Х.Т.* Ҳаво ҳароратининг турли даражадан ўтиши ҳақида (Тошкент вилояти мисолида) / “Ўзбекистон Евросиё маконида: География, геоиктисодиёт, геоэкология” халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2017 й. 11-12 май. – Б. 354-357.

*Холбаев Г.Х., Пулатов У.Ш., Абдуллаев А.К.* О динамике производства продукции риса, пшеницы, хлопкового волокна в мире и Узбекистане // Вестник Географического общества Узбекистана. 2003. – Т. 23. – С. 187-189.

*Холбаев Г.Х., Абдуллаев А.К., Эгамбердиев Х.Т.* Дунёда ва Ўзбекистонда буғдой етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 2020. 57-жилд. – Б. 117-121.

*Холбаев Г.Х., Курганов Р.Н., Эгамбердиев Х.Т.* Изменение температуры воздуха и поверхности почвы (на примере станции Каунчи) / Материалы II международной конференции с элементами научной школы «Инновационные методы и средства исследований в области физики атмосферы, гидрометеорологии, экологии и изменения климата» 21-25 сентября 2015 г. – Ставрополь, 2015. – С. 196-199.

*Холбаев Г.Х., Эргашева Ю., Эгамбердиева Ю.Т.* Ўзбекистондаги суғориладиган ерларда буғдой етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ҳақида қисқача таҳлил // Вестник КГУ им. Бердаха. 2022. № 1(55). – Б. 26-31.

*Холбаев Г.Х., Эгамбердиев Ҳ.Т., Кузиев Ж., Эшмирзаев Д.Р.* Трансчегаравий ҳудудларда термик ресурсларнинг даврий ўзгаришини баҳолаш (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари мисолида) / “Марказий Осиё ва қўшни минтакалардаги трансчегаравий ҳудудлар: ҳамкорлик имкониятлари ва муаммолари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари. II қисм. Самарқанд, 2022 й. 5-6 май. – Б. 142-146.

*Чуб В.Е.* Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент: НИГМИ, 2007. – 132 с.

*Эгамбердиев Х.Т., Холбаев Г.Х., Абдиқулов Ф.И.* Тошкент-обсерваториясида куёш радиацияси ва фотосинтетик фаол радиациянинг ўзгариши / Материалы международной научно-практической конференции «Географическая наука Узбекистана и России: Общие проблемы, потенциал и перспективы сотрудничества». Ташкент, 13-19 мая 2019 года. – С. 402-405.

*Қозоқбоева А.Т., Эшмирзаев Д.Р., Холбаев Г.Х.* Нукус ва Жиззах метеорологик станцияларида ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигининг ўзгариши / “Марказий Осиё тарихи ва археологияси: анъаналар, инновациялар ва истиқболлар” халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2021. – Б.170-175.

*Abdullayev A.Q., Xolbayev G.X., Ro‘ziyeva M.B., Sattorov M.M.* Samarqand va Jizzax viloyatlarida havo haroratining o‘zgarishi // GMITI ilmiy toplami. 2013. – 7(262) nashr. – B. 99-105.

*Akdi Y., Ünlü K.D.* Periodicity in precipitation and temperature for monthly data of Turkey // Theoretical and Applied Climatology. 2021. Vol. 143.– PP. 957-968.

*Audia E., Woller-Skar M.M. & Locher A.* Crowd-sourced data link land use and soil moisture to temperature and relative humidity in southwest Michigan (USA) // Theoretical and Applied Climatology. 2021. Vol. 143. – PP. 341–348.

*Bannani F.K., Sharif T.A., Ben-Khalifa A.O.R.* Estimation of monthly average solar radiation in Libya // Theoretical and Applied Climatology, 2006. Vol. 83, – PP. 211–215.

*Codato G., Oliveira A. P., Soares J., Escobedo J.F., Gomes E.N. & Pai. A.D.* Global and diffuse solar irradiances in urban and rural areas in southeast Brazil // Theoretical and Applied Climatology, 2008. Vol. 93. – PP. 57–73.

*Kholbaev G.Kh., Abdullaev A.K.* Change of meteorological values in the autumn of Republic of Karakalpakstan and Khorezm region // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. March 2020. Vol. 7, Issue 3. – PP. 13123-13130.

*Kholbaev G.Kh., Aripdjanova F., Egamberdiev Kh.T.* Changes of solar radiation in the irrigated territories of Uzbekistan // International Journal of Mechanical Engineering. February 2022. Vol.7 No.2. – PP. 1772-1779.

*Kholbaev G.Kh., Egamberdiev Kh.T., Egamberdiev H.Kh.* Change of meteorological values in autumn of Samarkand region // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020. Vol. 24, Issue 05. – PP. 6652-6660.

*Kholbaev G.Kh., Khadjaeva G.* The air temperature changes in the irrigated areas of the Republic of Karakalpakstan // International Journal of Research and Development (IJRD). May 2020. Vol. 5. Issue 5. <https://doi.org/10.36713/epra2016> | [www.eprajournals.com](http://www.eprajournals.com)

*Kousari M.R., Zarch M.A.A.* Minimum, maximum, and mean annual temperatures, relative humidity, and precipitation trends in arid and semi-arid regions of Iran // Arabian Journal of Geosciences. 2011. Vol. 4. – PP. 907-914.

*Micu D.M., Amihaesei V.A., Milian N., Heval S.* Recent changes in temperature and precipitation indices in the Southern Carpathians, Romania (1961–2018) // Theoretical and Applied Climatology. 2021. <https://link.springer.com/article/10.1007/s00704-021-03560-w>

*Olseth J.A., Skartveit A.* Solar irradiance, sunshine duration and daylight illuminance derived from METEOSAT data for some European sites // Theoretical and Applied Climatology, 2001. Vol. 69. – PP. 239-252

*Stanhill G., Cohen S.* Solar radiation changes in the United States during the Twentieth Century: evidence from sunshine duration measurements // J. Climate. 2005. Vol. 18. – PP. 1503-1512.

*Wu Z., Du H., Zhao D., Li M., Meng X., Zong Sh.* Estimating daily global solar radiation during the growing season in Northeast China using the Ångström–Prescott model // Theoretical and Applied Climatology. 2012. Vol. 108. – PP. 495-503.

*Xiao M., Yu Z., Cui Y.* Evaluation and estimation of daily global solar radiation from the estimated direct and diffuse solar radiation // Theoretical and Applied Climatology 140: 2020. – PP. 983-992.

*Xolbayev G.X.* Toshkent viloyati hududining qisqacha iqlimiy sharoitlari haqida. Toshkent. GMITI ilmiy to‘plami. 2015. – 18(263) nashr. – B. 64-68.

*Xolbayev G.X., Abdullayev A.K., Yuldasheva G.B.* Toshkent viloyati sug‘oriladigan hududi iqlimiy sharoitlari / Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Toshkent. 2016. – B. 159-162.

*Zhang H., Yin Q., Nakajima T., Makiko N.M., Lu P. & He J.* Influence of changes in solar radiation on changes of surface temperature in China // Acta Meteorologica Sinica. Vol. 27, 2013. – PP. 87-97.

## ДАТЫ ПЕРЕХОДОВ СРЕДНЕЙ ТЕМПЕРАТУРЫ ВОЗДУХА ЧЕРЕЗ РАЗЛИЧНЫЕ ГРАДАЦИИ НА ОРОШАЕМЫХ РАЙОНАХ УЗБЕКИСТАНА

Г.Х. ХОЛБАЕВ<sup>1</sup>, Х.Т. ЭГАМБЕРДИЕВ<sup>1</sup>, Ж.М. КУЗИЕВ<sup>2</sup>, К.М. МАХМУДОВ<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, [khgulmon@mail.ru](mailto:khgulmon@mail.ru)

<sup>2</sup> Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии

**Аннотация:** Рассчитаны даты переходов средней температуры воздуха через различные градации на орошаемых районах Узбекистана в период 1991-2020 гг. Даты переходов температуры через различные градации осенью и весной наблюдается в I-м регионе весной позднее, а осенью раньше чем в II-IV-х регионах. В II-III-х регионах (кроме Ташкентского вилоята) осенью и весной не наблюдается устойчивые даты перехода температуры воздуха через 0,0°C. Эта информация может быть использована при агрометеорологическом обслуживании сельского хозяйства, определении продолжительности вегетационного периода сельскохозяйственных культур и проведении агротехнических мероприятий.

**Ключевые слова:** радиация, климатический период, осень, весна, пшеница, температура, градации температуры.

**TRANSITION DATES OF THE AVERAGE AIR TEMPERATURE THROUGH DIFFERENT GRADATIONS IN THE IRRIGATED AREAS OF UZBEKISTAN****G.KH. KHOLBAEV<sup>1</sup>, KH.T. EGAMBERDIEV<sup>1</sup>, J.M. KUZIEV<sup>2</sup>, K.M. MAKHMUDOV<sup>1</sup>**<sup>1</sup> National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, khgulmon@mail.ru<sup>2</sup> Scientific Research Institute of Soil Science and Agrochemistry

**Abstract:** *The transition dates of the average air temperature through various gradations in the irrigated regions of Uzbekistan in the period 1991-2021 are calculated. The dates of temperature transitions through various gradations in autumn and spring are observed later in the region I in the spring, and earlier in the autumn than in the regions II-IV. In the regions II-III (except the Tashkent region), in autumn and spring, there are no stable dates for the transition of air temperature through 0.0°C. This information can be used in agrometeorological services for agriculture, determining the duration of the growing season of agricultural crops and carrying out agrotechnical activities.*

**Keywords:** *radiation, climatic period, autumn, spring, wheat, temperature, temperature gradations.*

**REFERENCES**

*Abdullaev A.K., Xolbaev G.X.* Ris, pshenitsa, xlopkovoe volokno po stranam mira [Rice, wheat, cotton fiber in the countries of the world]. – Tashkent: NIGMI, 2005. – 240 s. (in Russian)

*Abdullaev A.K., Xolbaev G.X., Safarov E.Yu.* Agrometeorologiyada munosabatli tenglamalarni topishda matematik statistikani qollash, EHM va Geografik axborot tizimlaridan foydalanish uchun korsatma [Application of mathematical statistics in finding relational equations in agrometeorology, guide to using computers and geographic information systems]. – Toshkent: GMITI, 2009. – 150 b. (in Uzbek)

*Aripdjanova F.A., Xolbaev G.X., Egamberdiev X.T.* Fargona stantsiyasida meteorologik kattaliklarning ozgarishi / “Fargona vodiysida atrof-muhitni muhofaza qilishning ekologik xususiyatlari va ularni optimallashtirish” respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari [Changes in meteorological parameters at the Fergana station. Materials of the republican scientific-practical conference on ecological features of environmental protection and their optimization in the Fergana Valley]. – Namangan, 2021. – B. 72-76. (in Uzbek)

*Abdullaev A.K., Xolbaev G.X., Pulatov U.Sh., Kutlimuratov X.R. Sultanova S.M.* O vide razvitiya tendentsii uroжайnosti risa, pshenitsi, xlopkovogo volokna v razlichnix stranax mira [On the type of development of the trend in the yield of rice, wheat, cotton fiber in various countries of the world] // Trudi NIGMI. – Vip. 7(252). 2006. – S.29-41. (in Russian)

*Abdullaev A.K., Nazarov R.S., Xolbaev G.X., Gafurov E.Sh.* Ob osobennostyax prodovolstvennoy problemi v razlichnix stranax mira [On the peculiarities of the food problem in various countries of the world] / Bozor iqtisodiyoti sharoitida qishloq xo’jaligini barqaror rivojlantirish. – Toshkent, 2003. – B. 120-122. (in Russian)

*Babushkin L.N., Kogay N.A., Zakirov Sh.S.* Agroklimaticheskie usloviya selskogo xozyaystva Uzbekistana [Agroclimatic conditions of agriculture in Uzbekistan]. – Tashkent: Mexnat, 1985. – 160 s. (in Russian)

Gidrometeorologik stantsiya va postlarga yoriqnoma. 11-nashr. Stantsiya va postlarda agrometeorologik kuzatuvlar: 1 qism. Asosiy agrometeorologik kuzatuvlar [Guide for hydrometeorological stations and posts. 11<sup>th</sup> edition. Agrometeorological observations at stations and posts: Part 1. Basic agrometeorological observations]. – Toshkent: 2009. – 325 b. (in Uzbek)

*Grupper S.R.* Agrometeorologicheskaya otsenka produktivnosti ozimoy pshenitsi v Uzbekistane [Agrometeorological assessment of winter wheat productivity in Uzbekistan]. – Tashkent: SANIGMI, 1998. – 156 s. (in Russian)

*Kratenko A.Yu., Abdullaev X.M.* Energeticheskie resursi [Energetic resources]. – Tashkent, 2008. – 123 s. (in Russian)

*Kurbanov G., Umarova M.* Osobnosti virashivaniya pshenitsi [Features of growing wheat] // Selskoe hozyaystvo Uzbekistana. – 1999. – № 6. – С. 21-23. (in Russian)

*Moiseychik V.A.* Agrometeorologicheskie usloviya i perezimovka ozimih kultur [Agrometeorological conditions and overwintering of winter crops]. – L.: Gidrometeoizdat. 1975. – 295 s. (in Russian)

*Muminov F.A., Abdullaev X.M.* Agroklimaticheskie resursi Respubliki Uzbekistan [Agroclimatic resources of the Republic of Uzbekistan]. – Tashkent. SANIGMI, 1997. – 178 s. (in Russian)

Rukovodyashie ukazaniya VMO po raschetu klimaticheskix norm [WMO Guidelines for the calculation of climate norms]. Izdanie 2017 g., Jeneva. – 21 s. (in Russian)

*Sultashova O.G.* Ob osobennostyax vzaimosvyazi temperaturi pochvi i temperaturi vozduxa [On the features of the relationship between soil temperature and air temperature] // Ozbekiston geografiya jamiyati ahboroti. 2008. 30-jild. – S. 69-72. (in Russian)

*Ulanova Ye.S., Zabelin V.N.* Metodi korrelyatsionnogo i regressionnogo analiza v agrometeorologii [Methods of correlation and regression analysis in agrometeorology]. – L.: Gidrometeoizdat, 1990. – 206 s. (in Russian)

*Xolbaev G.X., Abdullaev A.K.* Iqlim ozgarishini havo haroratining turli darajadan otishiga tasiri haqida (Samarqand viloyati misolida) [About the impact of climate change on the transition of air temperature from different levels (as an example of Samarkand region)] / “Geografiya XXI asrda: Muammolar, rivojlanish istiqbollari” respublika limiy-amaliy konferensiya materiallari. – Samarqand. 2017. – B. 246-249. (in Uzbek)

*Xolbaev G.X., Egamberdiev X.T.* Havo haroratining turli darajadan otishi haqida (Toshkent viloyati misolida) [About the transition of air temperature to different levels (in the example of Tashkent region)] / “Ozbekiston Yevrosiyo makonida: Geografiya, geoiqtisodiyot, geoekologiya” xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 2017 y. 11-12 may. – B. 354-357. (in Uzbek)

*Xolbaev G.X., Pulatov U.Sh., Abdullaev A.K.* O dinamike proizvodstva produktsii risa, pshenitsi, xlopkovogo volokna v mire i Uzbekistane [On the dynamics of production of rice, wheat, cotton fiber in the world and Uzbekistan] // Vestnik Geograficheskogo obshestva Uzbekistana. 2003. – T. 23. – S. 187-189. (in Russian)

*Xolbaev G.X., Abdullaev A.K., Egamberdiev X.T.* Dunyoda va Ozbekistonda bugdoy yetishtirishning oziga hos hususiyatlari [Peculiarities of wheat cultivation in the world and in Uzbekistan] // Ozbekiston Geografiya jamiyati ahboroti. 2020. 57-jild. – B. 117-121. (in Uzbek)

*Xolbaev G.X., Kurganov R.N., Egamberdiev X.T.* Izmenenie temperaturi vozduxa i poverxnosti pochvi (na primere stantsii Kaunchi) [Change in air and soil surface temperature (on the example of Kaunchi station)] / Materiali II mejdunarodnoy konferentsii s elementami nauchnoy shkoli «Innovatsionnye metodi i sredstva issledovaniy v oblasti fiziki atmosfery, gidrometeorologii, ekologii i izmeneniya klimata» 21-25 sentyabrya 2015 g. – Stavropol, 2015. – S. 196-199. (in Russian)

*Xolbaev G.X., Ergasheva Yu., Egamberdieva Yu.T.* Ozbekistondagi sugoriladigan yerlarda bugdoy yetishtirishning hozirgi holati haqida qisqacha tahlil [Brief analysis of the current state of wheat cultivation on irrigated lands in Uzbekistan] // Vestnik KGU im. Berdaxa. 2022. № 1(55). – B. 26-31. (in Uzbek)

*Xolbaev G.X., Egamberdiev H.T., Kuziev J., Eshmirzaev D.R.* Transchegaraviy hududlarda termik resurslarning davriy o'zgarishini baholash (Jizzax va Sirdaryo viloyatlari misolida) [Evaluation of periodic changes of thermal resources in the transborder areas (in the example of Jizzakh and Syrdarya regions)] / Markaziy Osiyo va qo'shni mintaqalardagi transchegaraviy hududlar: hamkorlik imkoniyatlari va muammolari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. II qism. Samarqand, 2022 yil 5-6 may. – B. 142-146. (in Uzbek)

*Chub V.E.* Izmenenie klimata i yego vliyanie na gidrometeorologicheskie protsessi, agroklimaticheskie i vodnie resursi Respubliki Uzbekistan [Climate change and its impact on hydrometeorological processes, agro-climatic and water resources of the Republic of Uzbekistan]. – Tashkent: NIGMI, 2007. – 132 s. (in Russian)

*Egamberdiev X.T., Xolbaev G.X., Abdiqulov F.I.* Toshkent-observatoriyasida quyosh radiatsiyasi va fotosintetik faol radiatsiyaning ozgarishi [Changes of solar radiation and photosynthetic active radiation in Tashkent observatory] / Materiali mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii

«Geograficheskaya nauka Uzbekistana i Rossii: Obshniye problemi, potentsial i perspektivi sotrudnichestva». Tashkent, 13-19 may 2019 goda. – S. 402-405. (in Uzbek)

*Kozokboeva A.T., Eshmirzaev D.R., Xolbaev G.X.* Nukus va Jizzax meteorologik stantsiyalarida havo harorati va nisbiy namligining ozgarishi [Changes in air temperature and relative humidity at Nukus and Jizzakh meteorological stations] / “Markaziy Osiyo tarixi va arxeologiyasi: ananalar, innovatsiyalar va istiqbollar” xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Toshkent, 2021. – B.170-175. (in Uzbek)

*Abdullayev A.Q., Xolbayev G.X., Ro‘ziyeva M.B., Sattorov M.M.* Samarqand va Jizzax viloyatlarida havo haroratining o‘zgarishi [Changes in air temperature in Samarkand and Jizzakh regions] // GMITI ilmiy toplami. 2013. – 7(262) nashr. – B. 99-105. (in Uzbek)

*Xolbayev G.X.* Toshkent viloyati hududining qisqacha iqlimiy sharoitlari haqida [About the climatic conditions of the Tashkent region]. Toshkent. GMITI ilmiy toplami. 2015. – 18(263) nashr. – B. 64-68. (in Uzbek)

*Xolbayev G.X., Abdullayev A.K., Yuldasheva G.B.* Toshkent viloyati sugoriladigan hududi iqlimiy sharoitlari [Climatic conditions of the irrigated area of Tashkent region] / Respublika ilmiy-amaliy konferensiy materiallari. Toshkent. 2016. – B. 159-162. (in Uzbek)

УДК 631.434.52

## ҚУРҒОҚЧИЛИКДА СУВНИ ТЕЖАШ ҲАМДА ҲАВОДАГИ НАМДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

С.Т. АБДУРАҲМАНОВ<sup>1\*</sup>, М.Р. ҚОРИЕВ<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Наманган давлат университети, [sohib\\_1978@inbox.ru](mailto:sohib_1978@inbox.ru)

**Аннотация.** Мақолада Наманган вилоятининг қуруқ иқлимли адир ҳудудларида мульчалаш асосида суғормасдан сабзавот экинларини етиштириш бўйича олиб борилган тажрибаларнинг натижалари келтирилган. Тажриба арид ҳудудларда тупроқ ва ҳаво намлиги ҳисобида табиий шароитда суғормасдан ҳосил олишга асосланган. Натижада, 180-200 мм ёгин ёғадиган арид ҳудудларда суғормасдан ҳосил олиш имконияти мавжудлиги тасдиқланган.

**Калит сўзлар:** мульчалаш, тупроқ намлиги, арид ҳудудлар, ҳаво намлиги, конденсация, суғормасдан ҳосил олиш.

**Кириш.** Жаҳон кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида суғориладиган деҳқончилик 299 млн га ер майдонини эгаллагани ҳолда, ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 41%, дон маҳсулотларининг эса 60% ини етказиб беради. Суғориладиган майдонларнинг кенгайиши кишлок хўжалигида сув истеъмолининг ортишига олиб келади. Суғорма деҳқончилик ривожини таққослаш учун XX аср бошида дунёдаги барча суғориладиган ерлар майдони 47,3 млн гектарни ташкил этганлигини эслаш кифоя.

Жаҳонда кейинги йилларда суғорма деҳқончиликка эътибор кучайиб бормоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган майдонлар кейинги ўн йилликларда қарийб ўзгармади. Бунинг асосий сабаби аҳоли сонининг ўсиши билан бир вақтда суғориладиган майдонларнинг кенгайиб боришидир. Мазкур ҳолатда иқлимнинг исиши дарёлар оқимида, намлик тақсимотида ва инсоннинг хўжалик фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Марказий Осиёнинг суғориладиган деҳқончилик ҳудудларида сув ресурслари танқислиги муаммоси янада кучаяди.

\* Масъул муаллиф: [sohib\\_1978@inbox.ru](mailto:sohib_1978@inbox.ru), +998 99 044-40-78

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар 4,3 млн гектарни ташкил этиб, улар республикамизнинг “олтин фонди” ҳисобланади. Мазкур майдонлар жами ер фондининг 10 фоизга яқинини ташкил этгани ҳолда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоизини етказиб беради. Ўзбекистоннинг сув ресурслари суғоришнинг ҳозирги ҳолатида тўла ўзлаштирилган. Шунинг учун ер ресурслари етарли бўлишига қарамасдан суғориладиган майдонларни кенгайтиришнинг имконияти қолмаган. Мамлакатимизга сув берувчи дарёларда кейинги йилларда сув сарфининг камайиши оқибатида қурғоқчил минтақаларнинг кенгайиши хавфи ортиб бормоқда. Гидрологик кузатишлар Наманган вилоятининг шимолидаги дарёлар сувининг иқлим исиши давридаги ҳажми олдинги ўттиз йиллик даврга нисбатан 13-18% кам бўлганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолатда сув тақчиллиги ҳолати юзага келиш эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “... суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ер ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш” масалалари назарда тутилган эди. Мазкур ҳолат суғорма деҳқончиликда сувни тежашнинг янги йўллари излаш, экинларни суғормасдан етиштириш имкониятларини тадқиқ этиш заруратини белгилайди.

Суғоришда буғланишни камайтириш мақсадида мульчалошни қўллаш билан кўплаб хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар шуғулланишган ҳамда бунинг учун мульчқоғоз, нефть чиқиндилари-смолопарафин, битум эмульсияси ва бошқаларни ишлатишган. Кейинчалик мульчалош асосан полиэтилен пленкалар билан бажариладиган бўлди. Аммо, бу тадқиқотларда мульчалош суғоришга қўшимча тадбир сифатида қўлланган. Экинларни суғормасдан, фақат, мульчалаб ўтказилган тажрибалар Л.Н.Бабушкин ҳамкорлари билан бирга ва Н.Ф. Лукин томонидан йилига 400-500 мм ёғин ёғадиган Тошкент ва Душанбеда ўтказилган. Ёғин 200 мм дан кам ёғадиган жойларда бундай тажрибалар ўтказилмаган [Камалов, Абдурахманов, 2010; 2014].

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ишнинг мақсади – қурғоқчиликда сувни тежаш ва ҳудуднинг агрометеорологик кўрсаткичларига асосланган ҳолда қишлоқ хўжалигида ҳаводаги намдан фойдаланиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Суғорма деҳқончиликнинг ҳолати, унинг аҳамияти ва самарадорлигини таҳлил қилиш, суғоришнинг анъанавий усуллари асосида унинг ривожланишини баҳолаш, анъанавий суғориш асосида суғориш майдонларини кенгайтиришнинг кузатилаётган ва юз бериши мумкин бўлган экологик оқибатларини таҳлил қилиш, тупроқнинг табиий сув режими ва ундаги конденсацион жараёнларнинг қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлаш имкониятларини такомиллаштириш, қурғоқчил шароитда суғормасдан экин етиштириш бўйича тажрибаларни ташкил этиш ва амалга ошириш мазкур ишнинг вазифаларини белгилайди.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти – Наманган вилояти қурғоқчил ҳудудлари “ҳаво-сув-тупроқ-ўсимлик” тизими ҳисобланади. Қурғоқчил ҳудудларда ҳаво намидан фойдаланиш хусусиятларини аниқлаш ҳамда суғормасдан экин етиштириш усулларини такомиллаштириш тадқиқот **предметини** ифодалайди.

**Бирламчи маълумотлар ва тадқиқот усуллари.** Ишни бажариш жараёнида муаллифлар томонидан ўтказилган суғормасдан ҳосил олиш бўйича дала-тажриба кузатув материалларидан (2011-2016 йй.) фойдаланилди. Тадқиқот иши давомида Наманган вилоятида дала тажриба ишлари олиб борилган.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида суғориладиган дехқончиликнинг ҳиссаси жуда катта. Бу улуш 95% дан каттароқдир. Лекин эгатлардан суғориш жуда кўп, гектарига 10-13 минг м<sup>3</sup> сув сарфлашни талаб қилади. Тадқиқотлар кўрсатишича, дарёлардан олинган сувнинг фақат 25% гачаси илдизлар жойлашган қатламга етиб боради ва эвапотранспирацияга сарфланади. Магистрал, хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги каналларда ҳам сувни беҳуда йўқотишлар содир бўлади. Бу йўқотишлар дарёдан олинган сувнинг 43% гача ташкил этади; суғориладиган далаларда эса бундай йўқотиш жами 15% ни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда суғоришнинг салбий оқибатларининг асосийси унинг натижасида ернинг шўрланишидир. Ҳар йили шўрланишга қарши курашга жуда катта миқдорда маблағ ва шўрни ювиш учун жуда катта ҳажмда сув сарфланади. Шўрланган ерлар улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун, шўр ювишга сарфланадиган сув миқдорининг катталиги сабабли, шўрлашмаган ерларга нисбатан 1,5-2 марта кўпроқ сув сарфлашни талаб қилади. Шўр ювишга умумий сув истеъмолининг 25% и атрофида сарфланади. Тупроқ шўрлигини керак даражагача пасайтириш учун шўр ювиш учун сув сарфи 40 минг м<sup>3</sup>/га гача етиши мумкин. Қурғоқчил ва ярим қурғоқчил минтақалардаги кўпгина дарё ҳавзаларидаги сув танқислигида бу ҳолат дарёларнинг суғориш имкониятини кескин пасайтириб юборади.

Ўзбекистонда 2015 йили шўрланган ерлар 2 млн гектарни ёки суғориладиган майдонларнинг 46,6% ини ташкил этган эди. Шундан 30,9% кам шўрланган, 13,3% и ўртача шўрланган ва 2,5% кучли шўрланган ерлардир. Бу хусусда энг ёмон ҳолат Хоразм вилоятида (ҳамма ерлари шўрланган), Сирдарё (98% ерини шўр босган), Бухоро (86%), Навоий (82%), Жиззах (78%) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (75%) кузатилади. 1990-йилларнинг бошларида Хоразм вилоятида 35,6% суғориладиган ер шўрланмаган эди. Ҳозирга келиб бу ерда шўр босмаган ер қолмади, кучли шўрланган ерлар майдони эса 3,8 марта кўпайди. Айникса, Фарғона ва Андижон вилоятларида, уларнинг даҳана бошида жойлашганларига қарамай, 35% ерларини шўр босганлиги ўта хавотирлидир [Камалов, Абдурахманов, 2009; 2010].

Суғорма дехқончиликнинг яна бир катта салбий оқибати – ерларнинг деградациясини келтириб чиқарадиган грунт сувлари юзасининг кўтарилиб бораётганлигидир. Ҳаттоки Фарғона ва Андижон вилоятларидаги суғориладиган майдонларнинг 45 фоизиди ер ости сувларининг сатҳи ер юзасидан 0-2 метр чуқурлик орасидадир. Ер ости сувлари сатҳи билан ер юзаси орасидаги масофа 2,5-3 метр бўлиши экологик ҳолатнинг бузилаётганлигини кўрсатиб, уни тартибга солиш учун зудлик билан чоралар кўриш зарурлиги ҳақида хабар берувчи кўрсаткичдир. Бундай ерлар Ўзбекистон бўйича суғориладиган ерларнинг 50 % ини ташкил этади [Камалов, Абдурахманов, 2014]. Ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига текисликдаги сув омборлари ҳам таъсир этиб, уларнинг тўғонларидан ўнлаб километр юқоригача етиб боради.

Йирик дарёларнинг бошланишидаги сув омборларининг энергия ишлаб чиқариш режимига ўтиши ҳам шўрни ювиш сифатини ёмонлаштиради ва ер ости сувлари юзасининг кўтарилишига сабабчи бўлади. Чунки йилнинг совуқ даврида сув оқимининг кўпайиши дарёдаги сув сатҳининг магистрал коллекторлардаги сув сатҳидан баланд бўлишига олиб келади. Бу эса шўрни ювиш самарадорлигини кескин тушириб юборади.

Ер майдонлари ҳолатининг ёмонлашиб бориши қуйидаги мисолда яққол кўринади. Жиззах вилоятининг 84% янги суғориладиган ерлар бўлиб, фойдаланиш коэффиценти юқори (0,78-0,82), суғоришнинг замонавий техникасига (ФИК=0,71), чуқур ёпилган дренажга асосланган энг қулай мелиоратив режимга эга. Пахтанинг ҳосилдорлик даражаси ўртача бўлишига қарамадан (22-25 ц/га), сувнинг самарадорлиги республикада

энг юқори бўлган ҳудудлардан биридир. 1985 йилда бундай юқори баҳоланган Жиззах вилоятида, 2007 йилга келиб шўрланган майдонлар 1992 йилга нисбатан, яъни 15 йилда, 1,7 мартага ошиб кетди. Қаттиқ ҳаракатлар ва катта маблағлар ҳисобига 2015 йилга бу вилоятда шўрланган ерлар майдони 256 минг гектардан 233,2 минг гектарга камайтирилди [Камалов, Абдурахманов, 2014].

Демак, суғорма деҳқончиликда сувнинг катта миқдорда сарфланиши ва унинг 60-90% буғланиб кетиши шўрланишнинг асосий сабабчиси, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу жараёни сусайтириш учун сувни тежаб, иложи борича кам сарфлаш зарур.

Кўп мамлакатларда, айниқса Исроилда, суғорма деҳқончиликда томчилатиб суғориш кенг қўлланилади ва бу соҳада катта муваффақиятларга эришилган [Annual ..., 2012]. Бу усул Ўзбекистонда ҳам синаб кўрилган. Қашқадарё вилоятида 2009-2011 йилларда 50 гектарда, 2012 йилда 100 гектар суғориладиган майдонларда томчилатиб суғоришни қўллаб, пахтадан 45 ц/га ҳосил олинган.

Томчилатиб суғоришни Ўзбекистонда жорий этишни кечиктирувчи асосий омил катта бошланғич капитал харажатлардир. Ҳозирги вақтда фермерлар учун бундай харажатлар қилиш қийин. Шунинг учун бу харажатларни, ҳозирги вақтда мелиоратив суғориш учун сарфланаётгани катта маблағлар сингари, давлат бюджети ҳисобига амалга ошириш керак. Бир қатор тадқиқотларда томчилатиб суғоришни жорий этишга харажатлар тезда қопланиши асосланган. Томчилатиб суғоришга ўтиш фақат иқтисодий сабабларга кўра зарур бўлиб қолмай, балки экологик жиҳатдан ҳам, яъни Ўзбекистоннинг келажаги учун ҳам зарур.

Наманган давлат университетидега бажарилган Наманган вилояти туманлари бўйича сув сарфланишининг тахлили шуни кўрсатадики, суғориш учун сувнинг энг катта – 11 минг м<sup>3</sup>/га тенг бўлган сарфи экин майдонларининг 40-50 % ига пахта ва шоли экилган туманларда кузатилади. Пахта майдонлари кам, боғ ва узумзорлар катта ҳудудларни эгаллаган туманларда бир гектарга 3 минг м<sup>3</sup> дан биров кўпроқ сув сарфланади. Буни республикада суғоришга сарфланадиган сувнинг қарийб ярми пахтага сарф қилиниши ҳам тасдиқлайди [Абдурахманов, 2016]. Бундай ҳолатда, айниқса, пахта ҳосилдорлиги кам ва сув тақчил ҳудудларда пахта плантациялари билан банд бўлган ерларни боғ ва узумзорлар учун бериш керак. Уларни суғориш катта миқдорда сув талаб қилмайди – пахтага нисбатан 3-4 марта кам.

Боғ ва узумзорлар маҳсулоти пахтаники каби қайта-қайта ишланади. Узум эса техник ўсимликларга киради. Бундай маҳсулотларга дунёда, шу қаторда Ўзбекистон билан савдо муносабатлари ўрнатилган мамлакатларда ҳам талаб катта. Аҳолининг янги узилган мева-сабзавотларнинг ҳиссаси кўп бўлган соғлом овқатланишга интилиши сабабли ўзимизда ҳам уларга талаб ошиб борапти.

Шундай қилиб, пахта етиштиришнинг бир қисми ўрнида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш глобал исиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган курғоқчилик даврини енгиб ўтишнинг асосий йўлларида бири деб қараш мумкин.

Суғориладиган ерлардан сувнинг буғланишга сарфини камайтириш учун зарур чораларни кўриш катта аҳамият касб этади. Бунинг энг мақбул усули илмий адабиётларда “мульчалош” деб аталади ва қадим замонлардан бери қўллаб келинади. Мульчалош тупроқдаги намни буғланишдан асрайди.

Тупроқ намлиги қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиш шароитларини белгилайдиган асосий омиллардан биридир. Экинларнинг сувга бўлган талаби транспирацион коэффициент – бир грамм курук ўсимлик моддаси шаклланишига сарф бўладиган сувнинг граммлардаги миқдори билан белгиланади. Лекин унинг қийматлари, тадқиқотларимиз кўрсатишича, катта аниқлаштиришни талаб қилади. Экология

кафедрасига тажриба майдонидан олиб келинган мутлақо куп-куруқ ғўза кўчатининг оғирлиги 144,5 г. Унинг асосида қилинган ҳисоблаш кўрсатишича, 1 гектардаги 100 минг туб кўчатга фақат транспирация учун 8100 м<sup>3</sup> сув зарур. Бу эса ақлга сиғмайди.

А.Қ.Абдуллаев ва М.Б.Рўзиеванинг [Абдуллаев, Рўзиева, 2012] маълумотларига кўра, кўпгина метеостанциялар маълумотлари бўйича, Ўзбекистон тупроқларининг энг катта намлик сиғими 190-250 мм оралиғида ётади. 1-жадвалда Наманган метеостанциясининг 2001-2015 йиллардаги (суғормасдан ҳосил олиш бўйича тажрибалар ўтказилган йилларни қамраб олган давр) тупроқнинг вегетацион давр бошланишидаги (апрель ойи) намлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Бу станцияда тупроқнинг тўла намлик сиғими 228 мм. Тупроқнинг минимал намлиги 173 мм (2010 йил) бўлиб, тўлик намлик сиғимининг 75 % ни ташкил қилади. Бизнинг ўлчовларимиз бўйича, апрел-май ойларида Наманган вилоятининг турли жойларида тупроқнинг бир метрлик қатламидаги намлик 250-300 мм ни ташкил этади. Бу Наманган метеостанцияси кузатиш пунктининг тупроғидаги тўла намлик сиғимидан бир мунча ортик.

*1-жадвал*

**Вегетация бошида тупроқ намлиги, мм**

*Таблица 1*

**Влажность почвы в начале вегетации, мм**

*Table 1*

**Soil moisture at the beginning of vegetation, mm**

Йиллар	Намлик	Йиллар	Намлик
2001	178	2009	210
2002	176	2010	173
2003	186	2011	200
2004	192	2012	193
2005	181	2013	193
2006	196	2014	199
2007	197	2015	180
2008	176		

*Изоҳ:* Жадвал муаллифлар томонидан тузилган.

*Примечание:* Таблица составлена авторами.

*Note:* The table is compiled by the authors.

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, Фарғона водийсининг қурғоқчил шароитида вегетация бошланишига қадар тупроқнинг бир метрлик қатламида атмосфера ёғинлари, конденсация ва адсорбция ҳисобига салмоғи каттагина (170-200 мм) намлик тўпланади.

Бу намликдан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда максимал фойдаланиш учун унинг буғланиб кетишини кескин камайтириш зарур. Маълумки, бу ишни полиэтилен ёрдамида мульчалаш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Мульчалашнинг қишлоқ хўжалик майдонларида қўлланишига оид адабиётларни ўрганиш асосида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- мульчалаш суғориладиган шароитда сувнинг буғланишга сарфини сезиларли камайтириб, суғориш меъёрини пасайтириш имконини беради;
- вегетация даврида уч мартадан кўп суғоришни талаб қилмайдиган экинлар учун мульчалаш суғориш ўрнини тўла босади;
- мульчалаш ер ости сувининг капилляр кўтарилиши юқори бўлган ерларга жуда мос келади;

- битум эмульсиялари билан мульчалаш тупроқ намлигига узоқ таъсир кўрсатмайди, унинг таъсири 6-8 ҳафта сақланади, мульчалаш буғланишни камайтиради, лекин газ алмашувини ёмонлаштиради ва тупроқда  $\text{CO}_2$  тўпланишига ёрдам беради;

- 15 см чуқурликда тупроқ намлиги сомонли мульча остида полиэтилен пленка остидагидан юқорироқ бўлади. Лекин экинлар пленка билан, айниқса шаффоф пленка билан мульчаланганда тезроқ ўсадилар ҳамда кўпроқ ва эртапишар ҳосил берадилар. Нефтли ва сомонли мульчалаш экин ўсишини сустрлаштириб, ҳосилни камайтиради.

Шулар асосида хулоса қилсак, тупроқнинг сув режимини бошқаришда қўлланиладиган мульчаловчи материалларнинг энг самаралиси полиэтилен пленка деб ҳисоблаш мумкин. У саноатда ишлаб чиқарилади, пишиқ ва унча-мунчага йиртилмайди.

Ўрта Осиёда мульчоғоз ёрдамида мульчалаштириш 1930-йиллар бошида сабзавот, пахта ва бошқа экинларда амалга оширилган. 1932-1934 йилларда Л.Н.Бабушкин ва И.Рабиновичлар томонидан Бўзсув агрометеорология станциясида суғорилмайдиган пахтани мульчалаш бўйича тажриба ўтказилган [Бабушкин, Рабинович, 1937]. Тажрибанинг мақсади мульчоғознинг тупроқ ва ҳаво ҳарорати ва намлигига ҳамда экиннинг ўсишига таъсирини аниқлаш бўлган. Натижада агар мульча етарлича пишиқ бўлса тупроқдаги намнинг сақланишига, вегетация бошланишида ҳароратнинг баландроқ бўлишига ва ҳосилдорликнинг 25-30 % ошишига ёрдам беради, деган хулосага келинди.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг хулосалари бўйича мульчлаш тупроқ ҳажмий массасини бирмунча пасайтиради, ўсимликлар илдиз тизимининг яхшироқ ривожланишига имкон яратади, жала ёғинларидан сўнг тупроқ юзасининг қатқалоқ бўлишига қаршилик кўрсатади, тупроқ намлигини 3-4% га оширади, биринчи терим ҳосили ҳиссасини орттиради ва ҳоказо. Аммо, таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган барча илмий тадқиқотларда, профессор Л.Н.Бабушкин тажрибасидан ташқари, мульчалаш суғоришга қўшимча бўлган агротехник усул сифатида ўрганилган.

Маълумки, тупроқ намлиги шаклланишининг асосий манбалари атмосфера ёғинлари инфильтрацияси, ҳавонинг ерга яқин қатламидаги намнинг конденсацияси ва грунт сувларининг капилляр келишидир. Конденсация ва адсорбциянинг тупроқ намлигининг шаклланишидаги аҳамияти, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Семирамиданинг “осма боғлари”, Феодосиянинг сув таъминоти, қум ва қумоқ тупроқларда нам конденсациясини ўрганиш бўйича ўтказилган жуда кўп тажрибаларда тасдиқланган.

А.А.Роде ўзининг умумлаштиришларида қуйидаги хулосаларга келган [Роде, 1963].

1. Куннинг иккинчи ярмида тупроқнинг юқори сиртки қатламининг ҳарорати пасая бошлайди, намлиги эса тупроқ сиртки қатлами ва унга яқин атмосфера қатламидаги сув буғларининг гигроскопик ютилиши (адсорбция) ҳисобига ошиб боради. Бу жараён тупроқ сиртки қатламининг намлиги ундаги ҳавонинг намга тўйиниш ҳолатига етгунча давом этади.

2. Тупроқнинг сиртки қатламидаги конденсацион намлик, тупроқ дағал гранулометриқ таркибга эга бўлса, чуқурроқ қатламларга осонроқ сизади.

3. Ҳароратнинг сутка давомидаги тебранишига асосланган нам конденсаторларининг самарадорлиги ҳарорат амплитудаси катта бўлган сари ошиб боради.

Шундай қилиб ҳисоблаш мумкинки, тупроқдаги ҳавода доимо сув буғлари мавжуд, Ўзбекистонда ёз ойларида у  $9-13 \text{ г/м}^3$  га тенг.

Ўзбекистон аҳолисини қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари билан таъминлаш суғорма деҳқончилик асосида амалга оширилади. Суғориладиган майдоннинг 1 гектарига ўртача 8-10 минг  $\text{м}^3$  сув сарф қилинади. Суғориш учун сувнинг бундай катта сарфи Орол денгизи танглигига олиб келди, у деярли куриб битиш ҳолатида. Иккинчидан, аҳоли сонининг

Ўсиши юқори бўлган шароитда суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш имкониятлари сув захираларининг чегараланганлиги сабабли йўқ даражада. Учинчидан, баъзи ҳудудларда, айниқса Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида шўрланган ер майдонлари тобора кенгайиб бормоқда.

Юқоридагиларнинг барчаси суғориладиган дехқончиликни тубдан модернизациялаш, сувни тежайдиган технологияларга ўтишни тезлаштиришни талаб қилади. Улар орасида энг самарадорлиги томчилатиб суғориш технологиясидир. Лекин у бошланғич катта капитал маблағ талаб қилиши сабабли ҳамма ҳудудларда тезда жорий этиш имкониятини бермайди.

Ҳар бири 2000-2500 донадан “Волгоград” навли помидор, “Японча” навли бақлажон ва “Ласточка” навли булғор қалампири кўчатлари 2011 йил 23 апрел куни тажриба ер майдонига ўтказилди. Тажриба ўтказиш даври 2011 йилнинг апрелидан июлигача бўлиб, бу даврда атиги 6,3 мм ёғин ёғди (2-жадвал).

*2-жадвал*

### Ойлар бўйича метеорологик маълумотлар (Наманган)

*Таблица 2*

#### Метеоданные по месяцам (Наманган)

*Table 2*

#### Meteorological data by month (Namangan)

Ойлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
2011 йилда ёғин, мм	1,6	27,3	24,8	1,4	3,3	1,6	0	8,8
Ўртача кўп йиллик ёғин, мм	18,9	24,3	25,5	24,1	19,1	9,5	3,3	2,0

*Изоҳ:* Жадвал муаллифлар томонидан тузилган.

*Примечание:* Таблица составлена авторами.

*Note:* The table is compiled by the authors.

Куйидаги 1- ва 2-расмларда олиб борилган тажриба майдони ва ундаги иш жараёнлари кўрсатилган.



1-расм. Тажриба майдонининг умумий кўриниши

Рис. 1. Общий вид экспериментальной площадки

Fig. 1. General view of the experiment area



2-расм. Помидор тажриба майдончаси

Рис. 2. Опытный участок помидоров

Fig. 2. Experimental plot of tomatoes

Тажрибалар кейинги йилларда ҳам шу асосда давом эттирилди. 2011-2013 йилларда ҳамда 2016 йилда суғормасдан ҳосил олиш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг якуний кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

2011-2013 ва 2016 йилларда суғормасдан ҳосил олиш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг якуний кўрсаткичлари

Таблица 3

Итоговые результаты опытов по уборке урожая без орошения в 2011-2013 и 2016 гг.

Table 3

The final results of experiments on harvesting without irrigation in 2011-2013 and 2016

Йил	Помидор			Булғор қалампири			Бақлажон			Пахта		
	Тажриба, ц/га	Назорат, ц/га	%	Тажриба, ц/га	Назорат, ц/га	%	Тажриба, ц/га	Назорат, ц/га	%	Тажриба, ц/га	Назорат, ц/га	%
2011	235,6	249	90	82,6	103	80	124,6	154	80			
2012	144,6	286	50	49,6	79	60	56	113	48			
2013	168	182	90	48	59	80	79	93	80	18,4	38	48
2016	102,3	156	60	60,3	73	80	86,7	54	160	14,8	34	43

*Изоҳ:* Жадвал муаллифлар томонидан тузилган.

*Примечание:* Таблица составлена авторами.

*Note:* The table is compiled by the authors.

Жадвалда берилган маълумотлардан 2011 йилда суғорилмаган майдондаги помидор ўсимлигидан суғориладиган майдондаги ҳосилга нисбатан 90%, булғор қалампири ва бақлажон ўсимликларидан эса 80% ҳосил олингани, 2012 йилда эса суғорилмаган помидор ҳосили суғорилгани ҳосилининг 50% ини, булғор қалампириники 60% ини, бақлажонники 48% ини ташкил этганлигини кўрамиз. 2013 йилда ўтказилган тажриба натижалари сабзавотлар бўйича 2011 йилда ўтказилган тажриба натижалари

билан бир хил кўринишга эга бўлди. Бу йилда суғорилмайдиган майдондан олинган пахта ҳосили 18,4 ц/га ни ташкил этиб, суғорилганининг 48 % ига тенг бўлди. 2016 йилда ўтказилган тажрибалар фақат бақлажон ўсимлигида аксинча кўриниш берди: суғориладиган майдондан олинган ҳосил кўрсаткичи 54 ц/га ташкил этгани ҳолда, суғорилмайдиган майдондан 86,7 ц/га ҳосил олинди. Бақлажон ўсимлигида бундай ҳолатнинг намоён бўлишига асосий сабаб, суғориладиган майдондаги кўчатларнинг кўпроқ касалликларга чалиниши бўлди. Помидор, булғор қалампери ва пахтадан олинган ҳосил кўрсаткичлари олдинги йилги олинган натижаларга яқин бўлди [Камалов, Абдурахманов, 2014].

Қашқадарёда 2011 ва 2012 йилларда олиб борилган томчилатиб суғоришни жорий этиш бўйича ишларнинг самарадорлигини 1268940 гектар экин майдони бўйича ҳисоблашлар Т.Х.Хусановнинг мақоласида тўла келтирилган [Хусанов, 2014]. Унинг маълумотлари ҳамда ўз маълумотларимиз асосида бу самарадорликни 1 гектар майдонга ҳисоблаб чиқдик (4-жадвал). Жадвал натижалари бўйича эгатлаб суғориш 1020760 сўм зарар билан чиққан. Томчилатиб суғориш эса 2300318 сўм фойда берган. Аммо томчилатиб суғоришдаги жорий харажатлардан 1 гектарга 558000 сўмлик пленка, 540000 сўмлик томчилатиб суғориш шланглари, 151470 сўмлик эгилувчан шлангга кетган харажатлар ҳамда 2856026 сўмлик капитал маблағларнинг амортизацияси ҳисобдан четда қолган. Агар томчилатиб суғориш учун фильтрацион насос, сув тиндиргич ва магистрал полиэтилен трубопроводнинг амортизациясини 5 йил деб олсак, бу сумма 571205 сўмни ташкил этади. Уларни, яъни  $558000+540000+151470+571205=1820675$  сўмни харажатга қўшсак, иктисодий самарадорлик томчилатиб суғоришда 480643 сўмга тенг бўлади. [Абдурахманов, 2016].

Суғормасдан ҳосил олишга келсак, бу усулда пахта етиштирилганда ҳосили кам бўлса ҳам, эрта пишади ва юқори сорт пахтанинг ҳиссаси катта бўлиб, сотиб олиш нархи юқори бўлади. Шу сабабли унинг фойдаси 1232,5 минг сўмни ташкил этди. Бу фермер учун пахта майдонидан катта фойда ҳисобланади.

**Хулоса.** Суғориладиган майдонлардан буғланишни камайтириш бўйича ўзимизда ва хорижда ҳозирга қадар ўтказилган тадқиқотлар суғориш ва мульчалошни бирлаштириб амалга оширилган. Қишлоқ хўжалиги экинларини ўртача йиллик ёғин миқдори 200 мм дан кам бўлган арид шароитда суғормасдан ҳосил олиш имкониятлари бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган. Вегетация бошланишида тупроқда нам тўпланишини ўлчаш натижалари апрель ойининг бошида тупроқнинг бир метр қалинликдаги қатламидаги нам 170-200 мм бўлиб, 300 мм гача бўлишини кўрсатди. Вегетация даврида конденсация ҳисобига тупроқнинг намлиги ошиши мумкинлиги аниқланди. Шу сабабли тажрибалар суғоришсиз мульчалаб ўтказилди ва ижобий натижалар берди.

**Муаллифлар ҳиссаси.** **С.Т. Абдурахманов:** мақоланинг ғояси, раҳбарлик, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. **М.Р. Қориев:** методология, маълумотларни тўплаш, ҳисоблашларни бажариш, натижалар таҳлили, мақолани расмийлаштириш. Барча муаллифлар қўлёзманинг нашрга тавсия этилган матни билан танишдилар ва ўз розиликларини билдирдилар.

4-жадвал

Таблица 4

Table 4

## Пахта етиштиришда сугориш усулларининг иқтисодий кўрсаткичлари

Экономические показатели способов орошения в хлопководстве

## Economic indicators of irrigation methods in cotton cultivation

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1 гектарга қилинган сарф			Нархи, сўм	Умумий харажатлар, сўм		
			Эгталаб сугориш	Томчилагиб сугориш	Сугормасдан		Эгталаб сугориш	Томчилагиб сугориш	Сугормасдан
1	Уруғ	кг/га	55	42,7	55	1900	104500	81130	104500
2	Минерал ўғитлар	кг/га	818	450	0	570	466260	256500	0
3	Ёқилги маҳсулотлари	л/га	300	82	0	3961	1188300	324802	0
4	Сугориш суви	м <sup>3</sup> /га	13700	3650	0	25	342500	91250	0
5	Ёввойй ўғлардан химоя	сўм/га	30000	0	0		30000	0	0
6	Экинларни яғаналаш	сўм/га	30000	0	0		30000	0	0
7	Культивация	сўм/га	25000	0	0		25000	0	0
8	Электр энергия	квт/га	7356,9	3650	0	120	882840	438000	0
9	Пленка	кг/га				7000			490000
	<b>Жами:</b>		26,4	45,0	18		<b>3069400</b>	<b>1191682</b>	<b>594500</b>
	Ҳосилдорлик	ц/га					2048640	3492000	1827000
	<b>Фойда, сўм</b>						<b>-1020760</b>	<b>+ 2300318</b>	<b>+1232500</b>

Изоҳ: Жадвал муаллифлар томонидан тузилган.

Примечание: Таблица составлена авторами.

Note: The table is compiled by the authors.

**АДАБИЁТЛАР**

*Абдуллаев А.Қ., Рўзиева М.Б.* Ўзбекистонда етиштириладиган пахтанинг хомашёси, тола сифати учун агроиклимий шароитлар, ресурслар. – Тошкент: Ўзгидромет, 2012. – 158 б.

*Абдурахманов С.Т.* Ҳаводан суғориш // Экология хабарномаси. 2016. №11. – Б. 34-35.

*Абдурахманов С.Т.* Қурғокчиликда сувдан фойдаланиш. Услубий қўлланма. Наманган, 2016. – 37 б.

*Абдурахманов С.Т.* Арид худудларда суғормасдан ҳосил олишнинг иқтисодий самарадорлиги // Экология хабарномаси. 2016. №12. – Б. 14-20.

*Бабушкин Л., Рабинович И.* К изучению влияния мульчирования на микроклимат хлопкового поля // Метеорология и гидрология. 1937. №3. – С. 69-80.

*Зув В.И., Басистов А.А.* Мульчирование картофеля на засоленных землях // Сельское хозяйство Узбекистана. 1960. № 3. – С. 79-82.

*Камалов Б.А., Абдурахманов С.Т., Солиев Э.А.* Иқлим исиши даврида дарёлар оқимидаги ўзгаришлар ва уларга суғорма деҳқончилик районларида мослашиш имконияти // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 2009. 33-жилд. – Б. 97-98.

*Камалов Б.А., Абдурахманов С.Т.* Суғоришсиз экинлардан ҳосил олиш бўйича тажриба натижалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 2010. 35-жилд. – Б. 197-199.

*Камалов Б.А., Абдурахманов С.Т.* Опыт выращивания овощных культур в аридных условиях без орошения / Международная научная конференция “Инновация-2014”. – Ташкент, 2014. – С. 105-106.

*Камалов Б.А., Абдурахманов С.Т.* К вопросу о формировании почвенной влаги // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 2017. 49-жилд. – Б. 183-186.

*Роде А. А.* Водный режим почв и его регулирование. – М., 1963. – 120 с.

*Хусанов Т.Х.* Экология и эффективность производства хлопка // Экологический вестник. 2014. №10. – С. 10-17.

*Annual Report 2011-12 ICID.* International Commission on irrigation and Drainage. – New Dehli (India). 2012. – 67 p.

**ОЦЕНКА ВОЗМОЖНОСТЕЙ ЭКОНОМИИ ОРОСИТЕЛЬНОЙ ВОДЫ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АТМОСФЕРНОЙ ВЛАГИ В АРИДНЫХ УСЛОВИЯХ****С.Т. АБДУРАХМАНОВ<sup>1</sup>, М.Р. КОРИЕВ<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Наманганский государственный университет, sohib\_1978@inbox.ru

**Аннотация.** В статье представлены результаты опытов по возделыванию овощных культур без орошения на основе мульчирования в холмистой местности с засушливым климатом Наманганской области. В основу опыта положено получение урожая без полива в естественных условиях за счёт влажности почвы и воздуха. В результате подтверждена возможность получения урожая без полива в засушливых районах при 180-200 мм осадков.

**Ключевые слова:** мульчирование, влажность почвы, засушливые районы, влажность воздуха, конденсат, получение урожая без полива.

**ESTIMATION OF POSSIBILITIES OF SAVING IRRIGATION WATER AND USE OF ATMOSPHERIC MOISTURE IN ARID CONDITIONS****S.T. ABDURAKHMANOV<sup>1</sup>, M.R. KORIYEV<sup>1</sup>**<sup>1</sup> Namangan State University, sohib\_1978@inbox.ru

**Abstract.** *The article presents the results of the experiments on the cultivation of vegetable crops without irrigation based on mulching in the hilly areas with a dry climate of Namangan region. The experiment was based on harvesting without irrigation under natural conditions due to soil and air humidity. It was confirmed that there is a possibility of harvesting without irrigation in arid regions with 180-200 mm of precipitation.*

**Keywords:** *mulching, soil moisture, arid areas, air humidity, condensation, harvesting without irrigation.*

**REFERENCES**

*Abdullaev A.Q., Roziyeva M.B.* Ozbekistonda yetishtiriladigan paxtaning xomashyosi, tola sifati uchun agroiklimiy sharoitlar, resurslar [Agro-climatic conditions and resources necessary for the quality of raw cotton and cotton fiber grown in Uzbekistan]. – Toshkent: Uzgidromet, 2012. – 158 b. (in Uzbek)

*Abduraxmanov S.T.* Havodan sugorish [Watering from the air] // *Ekologiya habarnomasi*. 2016. №11. – B. 34-35. (in Uzbek)

*Abdurahmanov S.T.* Qurgoqchilikda suvdan foydalanish [Use of water in drought]. Uslubiy qo'llanma. Namangan, 2016. – 37 b. (in Uzbek)

*Abdurahmanov S.T.* Arid hududlarda sugormasdan hosil olishning iqtisodiy samaradorligi [Economic efficiency of harvesting without irrigation in arid regions] // *Ekologiya habarnomasi*. 2016. №12. – B. 14-20. (in Uzbek)

*Babushkin L., Rabinovich I.K.* Izucheniye vliyaniya mulchirovaniya na mikroklimat xlopkovogo polya [To study the effect of mulching on the microclimate of the cotton field] // *Meteorologiya i gidrologiya*. 1937. №3. – S. 69-80. (in Russian)

*Zuev V.I., Basistov A.A.* Mulchirovanie kartofelya na zasolennih zemlyah [Mulching potatoes in saline lands] // *Selskoe hozyaystvo Uzbekistana*. 1960. № 3. – S. 79-82. (in Russian)

*Kamalov B.A., Abduraxmanov S.T., Soliev E.A.* Iqlim isishi davrida daryolar oqimidagi ozgarishlar va ularga sugorma dehqonchilik rayonlarida moslashish imkoniyati [Changes in river flow during climate warming and the possibility of adapting to them in irrigated agricultural regions] // *Ozbekiston Geografiya jamiyati axboroti*. 2009. 33-jild. – B. 97-98. (in Uzbek)

*Kamalov B., Abduraxmanov S.T.* Sugorishsiz ekinlardan hosil olish boyicha tajriba natijalari [Results of experiments on crop yield without irrigation] // *Ozbekiston Geografiya jamiyati axboroti*. 2010. 35-jild. – B. 197-199. (in Uzbek)

*Kamalov B.A., Abduraxmanov S.T.* O'piti virashivaniya ovoshni x kultur v aridni x usloviyax bez orosheniya [Experience in growing vegetable crops in arid conditions without irrigation] / *Mejdunarodnaya nauchnaya konferensiya "Innovatsiya-2014"*. Toshkent, 2014. – S. 105-106. (in Russian)

*Kamalov B.A., Abduraxmanov S.T.* K voprosu o formirovaniy pochvennoy vlagi [On the question of the formation of soil moisture] // *Ozbekiston Geografiya jamiyati axboroti*. 2017. 49-jild, – B. 183-186. (in Russian)

*Rode A. A.* Vodniy rejim pochv i yego regulirovanie [Soil water regime and its regulation]. – M.: 1963. – 120 s. (in Russian)

*Xusanov T.X.* Ekologiya i effektivnost proizvodstva xlopka [Ecology and efficiency of cotton production] // *Ekologicheskiy vestnik*. 2014. №10. – S. 10-17. (in Russian)

**ГИДРОЛОГИЯ / HYDROLOGY**

УДК: 551.495 (575.141)

**ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАЛАРИДА ГРУНТ СУВЛАРИ РЕЖИМИНИНГ  
СУҒОРИШ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ****Б.Е. АДЕНБАЕВ<sup>1\*</sup>, Х.А. БАРАТОВ<sup>2</sup>**<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, bahtiyor.adenbayev@mail.ru<sup>2</sup> Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, xabib.baratov.87@mail.ru

**Аннотация.** Мақолада Ўрта Зарафшон воҳаларида ерларни суғориши натижасида грунт сувлари режимининг ўзгариши масалалари ёритилган. Шу мақсадда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Мелиорация экспедицияси ва Зарафшон гидрогеология экспедицияси маълумотларидан фойдаланилган. Ушбу маълумотлар асосида охириги 1990-2021 йилларда грунт сувлари режимининг суғориши таъсирида ўзгариши таҳлил қилинган. Натижада, охириги йилларда суғориши ишлари таъсирида Ўрта Зарафшон воҳаларида шарқдан ғарбга томон суғориладиган ҳудудларда, грунт сувлари сатҳи ва минераллашув даражасининг ортанлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** воҳа, суғориладиган ерлар, мелиоратив экспедиция, грунт сувлари режими, минераллашув, ионлар таркиби, гипсли қатлам.

**Кириш.** Ўрта Зарафшон воҳаларида қадимдан қулай табиий шароит, сувнинг мўл-кўллиги, унумдор тупроқларнинг кенг тарқалганлиги туфайли милoddан аввалги 2,5-2 мингинчи йилликлардан деҳқончилик билан шуғуллана бошланган. Зарафшон дарёсидан ариқлар, кейинчалик каналлар қазилиб воҳаларнинг турли қисмларига сув чиқарилган ва суғорма деҳқончилик ривожланган. Сўнгги йилларда ҳудудда аҳоли сонининг узликсиз равишда кўпайиб бориши натижасида, инсон омилининг табиатга таъсири ҳам тобора кучайиб бормоқда.

Ўрта Зарафшон воҳаларининг табиий-географик шароити ва арид иқлимли хусусиятлари қишлоқ хўжалик экинларининг турига боғлиқ ҳолда уларни етиштириш учун суғориш тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Бугунги кунда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш ва баҳолаш муаммолари (мезонларини ишлаб чиқиш) жуда муҳим ҳисобланади. Мазкур муаммоларнинг олдини олиш мақсадида минглаб километр узунликдаги бир қанча коллектор-зовур тармоқлари бунёд этилган. Сўнгги йилларда ушбу коллектор-зовур тармоқлар орқали суғориладиган экин майдонларидан қайтарма сувлар йилига қарийб 2 млрд м<sup>3</sup> дан ортик ҳосил бўлмоқда [Баратов, Аденбаев, 2022]. Суғориш натижасида ҳудуддаги суғориладиган ерларда грунт сувлар сатҳининг кўтарилиши ва минераллашув даражасининг ошиб бориши оқибатида, фойдаланиладиган ерларнинг иккиламчи шўрланишига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли, ҳозирги кунда Ўрта Зарафшон воҳаларида грунт сувлари режимининг суғориш натижасида ўзгаришини ўрганиш масалалари муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Суғориладиган ерларнинг грунт сувлари режимини ўрганишга қаратилган илк тадқиқотлар А.Н.Костяков [Костяков, 1967], М.М.Крилов [Крилов, 1957], Н.А.Кенесарин [Кенесарин, 1959], А.В.Лебедев [Лебедев, 1963], В.А.Ковда [Ковда, 1968], С.И.Харченко [Харченко, 1975] ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

\* Маъсул муаллиф: bahtiyor.adenbayev@mail.ru, тел: +998 90 359-72-19

Ўзбекистонда ушбу муаммони ўрганишга қаратилган тадқиқотлар Н.М.Решеткина [Решеткина, 1957], А.А.Рачинский [Рачинский, 1963], Д.М.Кац [Кац, 1967], С.Ш.Мирзаев, Л.П.Бакушева, [Мирзаев, Бакушева, 1979], Н.Н.Ходжибаев, Б.Я.Нейман [Ходжибаев, Нейман, 1982], В.А. Духовний [Духовний, 1993] каби олимлар томонидан амалга оширилган. Ҳозирги кунда мазкур йўналишдаги тадқиқотлар М.А.Якубов [Якубов, 2011], Ф.Х.Ҳикматов, Ғ.Х.Юнусов, [Юнусов, Хикматов, 2013], Ш.Ш.Мухамеджанов [Мухамеджанов, 2022], Н.И.Сабитова, О.Ш.Рўзиқулова [Рўзиқулова, Сабитова, 2015], Н.Б.Эрлапасов, Р.Р.Зияев [Эрлапасов, Зияев, 2018], Ф.А.Охунов [Охунов, 2023] каби тадқиқотчилар томонидан давом эттирилмоқда.

Бироқ, юқорида қайд этилган тадқиқотларда Ўрта Зарафшон воҳаларида суғориш ишларининг грунт сувлари режимига таъсири алоҳида кўриб чиқилмаган. Мазкур тадқиқот айна шу масалаларга бағишланганлиги билан юқорида келтирилган ишлардан фарқ қилади.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсади Ўрта Зарафшон воҳаларида суғориш ишларининг грунт сувлар режимига таъсирини ўрганишдан иборатдир.

Ушбу мақсад доирасида, ишда куйидаги вазифалар белгиланди ва тадқиқот жараёнида ўз ечимини топди:

1. Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошқармаси ва Зарафшон гидрогеология экспедициясидаги кузатиш маълумотларини бирламчи қайта ишлаш.

2. Худуддаги грунт сувлар сатҳи ва минераллашув даражасининг майдонлар бўйича йиллараро ўзгаришини таҳлил қилиш.

3. Зарафшон гидрогеология станциясининг танлаб олинган кузатув кудуклари маълумотлари асосида грунт сувлар сатҳи ва минераллашишининг йиллараро ўзгаришини таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Ишда тадқиқот объекти сифатида Ўрта Зарафшон воҳаларининг суғориладиган майдонлари танлаб олинди. Ўрта Зарафшон воҳалари суғориладиган ерларини суғориш натижасида гурунт сувлари сатҳи ва минераллашув режиминининг ўзгаришини ўрганиш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**Бирламчи маълумотлар ва тадқиқот усуллари.** Ишни бажариш жараёнида Ўрта Зарафшон воҳалари суғориладиган худудларида мелиорация экспедицияси ва гидрогеология станцияси кузатув кудукларининг кўп йиллик (1990-2021 йй.) маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда географик умумлаштириш, таққослаш, гидрокимёвий ҳисоблашлар, статистик ва умумлаштириш усулларида фойдаланилди


**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Тўпланган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Зарафшон воҳаларининг Самарқанд воҳасида грунт сувлар сатҳининг чуқурлиги жой шароитига қараб, ўртача 4-8 метрни ташкил қилади. Баъзи баландроқ участкаларда ва Зарафшон дарёсининг учинчи террасасида 7-10 метрни, тоғ олди текислигига туташ жойларда 10-25 метрни ташкил қилади.

Ўрта Зарафшон воҳаларининг ғарбий қисмида Каттакўрғон воҳасининг Нарпай ва Пахтачи туманларида грунт сувлар сатҳи ер юзасига бирмунча яқинроқ жойлашган. Бу худудда грунт сувлар чуқурлиги ўртача 3-7 метрга тенг. Дарё водийларида эса уларнинг чуқурлиги ер юзига янада яқинроқ жойлашган [Баратов, 2022; Рахматуллаев ва бошқ., 2019].

Ўрта Зарафшон воҳаларида суғориладиган ер майдонлари кишлоқ хўжалигида ва республика иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Самарқанд ва Каттакўрғон воҳаларида суғориладиган ерлар майдони адирлар, тоғ олди текисликлари ҳисобига Пастдарғом ва Нуробод туманларида кенгайтириб борилмоқда. Суғориладиган ерлардаги энг кўп шўрланган ерлар гипсометрик жиҳатдан пастда жойлашган Нарпай,

Пахтачи, Иштихон, Оқдарё, Пайариқ туманларидаги геотизимларнинг пастқам жойларида ва ботиқларида кўпаймоқда [Рўзиқулова, Сабитова, 2015]. Тадқиқот ишида Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мелиоратив экспедицияси маълумотлари асосида Ўрта Зарафшон воҳаларининг грунт сувлари сатҳи эгаллаган майдонларнинг маъмурий жиҳатдан туманлар кесимида охириги йиллардаги ўзгаришлари таҳлил қилинди (1-расм).

Графикдан воҳаларнинг шарқий қисмида ва нисбатан тоғ олди ҳудудларда жойлашган туманларда ер ости сувларининг сатҳи нисбатан чуқурда жойлашганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Ургут туманида грунт сувлар сатҳи ер юзасидан 3 метргача чуқурликда жойлашган майдонлар 2,15 минг гектар ёки туман бўйича жами суғориладиган ерларнинг 6,9% ини ташкил этади. Шу кўрсаткич Булунғур ва Нуробод туманларида мос равишда 4,31 минг гектар (14,6%) ва 1,17 минг гектар (15,4%) ни ташкил этган. Ўрта Зарафшон воҳасининг ғарбий ва марказий қисмида жойлашган ҳудудлардаги 3 метр чуқурликкача бўлган грунт сувлар сатҳи Нарпай (11,3 минг га), Каттакўрғон (15,2 минг га), Иштихон (14,9 минг га) туманларидаги умумий суғориладиган ерларнинг 41,1-47,4% гача майдонини ташкил этади.




**1-расм. Ўрта Зарафшон воҳаларининг грунт сувлари сатҳининг туманлар кесимидаги ўзгаришлари**

**Рис. 1. Изменения, в районном разрезе, уровня грунтовых вод в оазисах Среднего Зеравшана**

**Fig. 1. Changes in the district cross-section of the grunt water level of the Middle Zarafshan oases**

Тадқиқотнинг кейинги босқичида, грунт сувлар сатҳининг турли чуқурликдаги йилларо ўзгариши таҳлил қилинди. Суғориладиган ерлар ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши бевосита суғоришга олинган сувлар билан боғлиқ. Грунт сувлар сатҳининг йилларо тебраниш графигида 5 метрдан юқори бўлган майдонларнинг улуши 2011-2013 йилларда ортиб борган бўлса, мос равишда 2-3 метргача чуқурликда жойлашган сув сатҳлари майдони эса камайган. Шунингдек, 3-5 метргача бўлган чуқурликда жойлашган грунт сувлар сатҳи майдонларининг йилларо тебраниш

2005 йилдан бошлаб кўтарилиб, 2015 йилдан кейинги даврда деярли ўзгаришсиз қолмоқда (2-расм).



2-расм. Ўрта Зарафшон воҳаларидаги грунт сувлар сатҳининг турли чуқурликлардаги йиллараро тебраниши

Рис. 2. Межгодовые колебания уровня грунтовых вод в оазисах Среднего Зеравшана на разных глубинах


Fig. 2. Inter-year fluctuations in the level of grunt water in the Middle Zarafshan oases at different depths

Албатта, ўрганилаётган ҳудудда коллектор-зовурлар ва уларнинг янги тармоқларининг ишга туширилиши воҳалар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳамда грунт сувлар режимига таъсир кўрсатган [Баратов, Аденбаев, 2022].

Шу мақсадда ҳудудга суғоришга олинган сувлар ва қайтарма оқимнинг йиллараро ўзгаришини таҳлил қилдик (3-расм). Графикдан кўришимиз мумкинки, ҳудуддаги суғоришга олинган ва қайтарма сувларнинг йиллараро ўзгариши кўрсаткичлари суғориш мақсадида олинган сув ва қайтарма сувларнинг чиқиб кетиши бир-бирига мос равишда тебраниб турган. Ўрта Зарафшон ҳудудига суғориш мақсадида олинган сувларнинг миқдори 2004 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда камайиб борган бўлса, аксинча қайтарма сувларнинг миқдори узликсиз равишда ортиб борган, яъни кейинги йилларда коллектор-зовур тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг яхшиланиши натижасида қайтарма сувларнинг миқдори ортган.

Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва Зарафшон гидрогеология экспедицияси маълумотлари асосида Ўрта Зарафшон воҳалари грунт сувлари сатҳи 1:700000 масштабли карта схемаси яратилди (4-расм).


Зарафшон гидрогеология станциясидан олинган маълумотлар асосида қудуқларда грунт сувлар сатҳининг йиллараро ўзгариши таҳлил қилинди. Ўрта Зарафшон воҳаларининг шарқий қисми Булунғур туманида 324- ва 250-қудуқлар жойлашган. Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, қудуқларда грунт сувлар сатҳи танланган давр давомида 4-7 метр ораликда ўзгариб турган, аммо Зарафшон дарёсидаги 2001 йилги кам сувли йилда эса иккала қудуқда ҳам сув сатҳи кескин пасайиш кузатилган (5-расм).



3-расм. Худудни суғоришга олинган сувлар ва қайтарма оқимнинг йилларо ўзгариши

Рис. 3. Межгодовые изменения водозабора для орошения территории и возвратного стока


Fig. 3. Interannual changes in water withdrawal for irrigation territory and return flow



4-расм. Ўрта Зарафшон воҳалари грунт сувлари сатҳининг карта схемаси

Рис. 4. Схематическая карта уровня грунтовых вод в оазисах Среднего Зарафшана

Fig. 4. Schematic map of the groundwater level in the oases of Middle Zarafshan



**5-расм. Кузатув қудуқларида грунт сувлари сатҳининг йилларро ўзгариши**

**Рис. 5. Межгодовые изменения уровня грунтовых вод в наблюдательных скважинах**

**Fig. 5. Interannual changes in groundwater levels in observation wells**

Шунингдек, 250-қудуқнинг сув сатҳи сўнгги йилларда доимий равишда пасайишда давом этаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат дарё оқими таъсир этадиган ҳудудлардаги кейинги қудуқларда ҳам кузатилган. Масалан, Жомбой туманидаги 221-қудуқ ҳам дарё водийсига яқин ҳудудда жойлашган бўлиб, грунт сувлар сатҳи бевосита суғоришга олинган сувнинг миқдорига боғлиқ ҳолда тебраниб туради.

Дарё ўзанидан қум-шағал тошларининг меъёрдан кўп миқдорда қазиб олиниши ва ўзан сатҳининг чуқурлашиши натижасида ушбу ҳудудларга яқин жойлашган қудуқларда, жумладан, 234-қудуқдаги сув сатҳининг сўнгги йилларда пасайиб бориши кузатилмоқда. Графиклардаги 316, 21, 204, 160, 61-қудуқлар сув сатҳининг тебраниши ҳам дарё сув режимига боғлиқ ҳолда, суғоришга олинган сув миқдорига боғлиқлиги кўриниб турибди.

Нуробод туманидаги 147 ва 30(2)-қудуқлар сўнгги йилларда ўзлаштирилган тўлқинсимон рельефли ерларнинг ботик қисмларида жойлашган бўлиб, уларнинг сув сатҳи ўрганилаётган йилларда 18 метр чуқурликдан 1,5 метргача кўтарилган. Худди шундай ҳолатлар Ўрта Зарафшон воҳаларининг ғарбий қисмидаги Нарпай (313, 186) ва

Пахтачи (191, 20) туманларида жойлашган кудукларда ҳам грунт сувлар сатҳининг кўтарилганлигини кўрсатади.

Суғориладиган ҳудудларнинг тупроқ-грунт ва ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши ҳамда турли минерал тузларнинг тўпланиши табиий ҳол ҳисобланади. Ерларни суғориш натижасида, уларнинг сув ва туз режимида тубдан ўзгаришлар содир бўлади. Тупроқ фаол қатламини намлантириш аксарият ҳолатларида тупроқ сувларини ер ости сувларига кўшилишига олиб келади. Натижада, бу сувлар ер ости сувларининг табиий оқими билан биргаликда ҳаракатлана олмаслиги сабабли, уларнинг сатҳи кўтарила бошлайди ва тупроқ қатламлари орасидаги сувда эрувчан тузлар эритилиб, тупроқларни иккиламчи шўрланишига сабаб бўлади.


Ўрта Зарафшон воҳаларининг дарёга яқин ботиқ қисмлари аллювиал текисликлардан иборат бўлиб, сувда эрувчи тузлар жуда кам миқдорда ёки умуман тўпланмайди. Чунки, грунт сувларининг гидрогеологик ва геоморфологик шароити бўйича уларнинг оқими яхши, бироқ дарёдан узоқлашган сари грунт сувларнинг оқими секинлашиб, тупроқ-грунт сувлар таркибида гидрокарбонатли қатламларни ҳосил қилиб, ушбу ҳудудлар ерларини карбонатли-магнийли шўрланишига олиб келади. Ўрта Зарафшоннинг ғарбий қисмида асосан оч тусли бўз тупроқлар майдони тарқалган бўлиб, грунт сувларининг минераллашув даражаси бир мунча ортганлиги сабабли сульфатли шўрланишга учраган.

Н.М. Решеткиннинг фикрича Самарқанд ботиғи табиий типик оқимли гидрогеологик ҳавза ҳисобланиб, юқори минтақаларида, аллювиал ётқизикларда кам минераллашган тоза грунт сувлар шаклланган [Решеткина, 1957]. С.Абдуллаев маълумотларига кўра [Абдуллаев, 2020] мазкур ҳудуд грунт сувларининг кимёвий таркиби авваламбор, Зарафшон дарёсининг суви, коллектор-зовурлар сувининг минераллашганлиги даражаси, тупроқ қопламида ҳосил бўлган грунт сувларининг таркибига боғлиқ. Грунт сувлар таркибида гидрокарбонатларнинг захираси кўп бўлган ер ости сувларида асосан дарё ўзани томон гравитацион оқим кузатилади.

Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мелиоратив экспедицияси маълумотлари асосида Ўрта Зарафшон воҳалари ҳудудида жойлашган грунт сувлари минераллашув жараёнини туманлар кесимида таҳлил қилинди (6-расм). Таҳлил натижаларига кўра Булунғур, Жомбой, Ургут, Тойлок, Самарқанд туманлари суғориладиган ерларида грунт сувлари минераллашув даражаси 1 г/л дан ошмайди, ҳудуднинг Пастдарғом, Нуробод, Иштихон, Оқдарё, Пайариқ туманларида эса 1-3 г/л гача етади. Грунт сувларининг энг юқори минераллашув даражаси Пахтачи, Нарпай, Каттакўрғон туманлари суғориладиган ерларида кузатилган. Пахтачи туманида 156 гектар, Нарпай ва Каттакўрғон туманларида 10 гектарга яқин ҳудудларда грунт сувларининг минераллашуви 3-5 г/л ни ташкил этади.

Ўрта Зарафшон воҳаларининг грунт сувлари минераллашуви Зарафшон гидрогеология экспедицияси кузатув кудукларининг кўп йиллик маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Ҳудуднинг шарқий қисмида жойлашган 221-кудукнинг ўрганилаётган вақт давомида минераллашуви 253 мг/л дан 362 мг/л оралиқда ўзгарган. Воҳаларнинг ғарбий ҳудудидаги 313-кузатув кудуғининг минераллашув даражаси 513 мг/л дан 3201 мг/л гача ортганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ўрта Зарафшон воҳаларининг, Самарқанд воҳасида дарё ўзани бўйича ўртача қиялик ҳар 1000 метрга 3 метр, Каттакўрғон воҳасида ҳар 1000 метрга 1 метр тўғри келади, қияликнинг камлиги туфайли ер усти ва ер ости сувларининг воҳалар бўйлаб қуйи томон ҳаракат тезлиги камаяди. Бу ўз навбатида ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилишига, тупроқларнинг шўрланишига, ботқоқланишига шароит яратади.



6-расм. Ўрта Зарафшон воҳалари ҳудудидаги грунт сувлари минераллашувининг туманлар кесимида ўзгариши

Рис.6. Изменение, в районном разрезе, минерализации грунтовых вод на территориях оазисов Среднего Зеравшана

Fig.6. Changes in the regional section of groundwater mineralization in the territories of the Middle Zeravshan oases

Зарафшон дарёси келтирадиган аллювиал ётқизиқлар таркибидаги йирик донали шағаллар ўрнига майда донали шағаллар ғарбга борган сари ортиб боради. Булар сувнинг шимилишига, тупроқ ҳосил бўлишига, грунтнинг капиллярлик фаолиятига, ўсимликлар ривожланишига таъсир кўрсатади. Каттакўрғон воҳасининг кенглиги Самарқанд воҳасига нисбатан қарийиб икки баравар кам ва ўраб турган тоғлар воҳага анча яқин жойлашган, Зирабулоқ, Зиёвуддин, Қоратоғ ва Оқтоғ тизмаларининг тоғ олди текисликларида ер юзига чиқиб ётган гипс ва карбонатларга бой оҳактошлар, кумтошлар, гиллар, алевролитлар, конгломератлар кўп ва катта майдонни эгаллайди. Суғорма деҳқончиликнинг тоғ олди текисликлари томон кенгайиши билан, юқорида саналган жинслар таркибидаги тузларнинг эриши ва дарё томон ҳаракати (миграцияси) кучайган [Рахматуллаев ва бошқ., 2019]. Бу ҳам ўз навбатида воҳаларнинг ғарбий қисмида шарқий қисмига нисбатан грунт сувларнинг минераллашув даражасининг ортишига сабаб бўлади.

Бажарилган тадқиқот натижаларининг таҳлиллари асосида, **хулоса** сифатида, куйидагиларни қайд этиш мумкин.

1. Ўрта Зарафшон воҳалари суғориладиган ерларининг суғориш ишлари натижасида грунт сувлари сатҳи ва минераллашиши режимида ўзгаришлар кўзатишлар кўзатишлар тоғолди текислигидан дарё водийси томон, водийда эса, шарқдан ғарбга томон ўзгариб боради.

2. Янги инновацион суғориш технологияларидан фойдаланган ҳолда суғориш ишларини ташкил этишни дастлаб воҳаларнинг тоғ олди ва ғарбий ҳудудларида амалга ошириш лозим. Бунинг натижасида янги ерларни ўзлаштириш ва сувдан оқилонга фойдаланган ҳолда грунт сувлари сатҳи ва ерларнинг иккиламчи шўрланишга учрашининг олди олинади.

3. Ҳозирги кунда Ўрта Зарафшон воҳаларида 3 минг км дан ортиқ коллектор-зовур тармоқлари мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда, янги инновацион суғориш технологияларидан фойдаланиш ишларини кенгроқ амалга оширилса, коллектор-

зовур тармоқларини тиклаш-таъмирлаш ишларига сарфланган харажатлар ҳам тежаллади ҳамда, янги ерларни ўзлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тиклаш яхшиланади.

**Муаллифлар хиссаси:** **Б.Е. Аденбаев:** мақола ғоясини аниқлаштириш, методология, натижалар таҳлили, натижаларни текшириш, раҳбарлик. **Х.А. Баратов:** мақола ғояси қўллаш, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, натижалар таҳлили, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. Муаллифлар қўлёзманинг нашрга тайёрланган матни билан танишдилар ва ўз розиликларини билдирдилар

## АДАБИЁТЛАР

*Абдуллаев С., Жаббаров З.А., Зокирова С.К, Рахматов З., Турсунқулова А., Исломова З.* Каттақўрғон сув омборининг атроф тупроқ қоплами экологик мелиоратив ҳолатига таъсири ва уни яхшилаш чора-тадбирлари. – Тошкент: “Университет”, 2020. – 100 б.

*Аверьянов С.Ф.* Борба с засолением орошаемых земель. – М.: Колос, 1978. – 288 с.

*Баратов Х.А.* Иқлим ўзгариши шароитида суғориладиган ҳудудларда грунт сувлар минераллашувини баҳолаш (Ўрта Зарафшон воҳалари мисолида) / Иқлим ўзгариши шароитида гидрометеорологик тадқиқотлар: долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2022. – Б. 280-283.

*Баратов Х.А., Аденбаев Б.Е.* Ўрта Зарафшон воҳалари суғориладиган ерларининг сув-туз баланси // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 2022. 62-жилд. – Б. 173-177.

*Баратов Х.А., Аденбаев Б.Е.* Ўрта Зарафшон воҳаларида ер ости сувлари сатҳининг суғориш режимига боғлиқлиги / Географик тадқиқотлар: Инновацион ғоялар ва ривожланиш истиқболлари II халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2022. – Б. 574-577.

*Духовный В.А.* Мелиорация и водное хозяйство засушливой зоны. – Ташкент: Мехнат, 1993. – 300 с.

*Кац Д.М.* Контроль режима грунтовых вод на орошаемых землях. – М.: Колос, 1967. – 183 с.

*Кенесарин Н.А.* Формирование режима грунтовых вод орошаемых районов на примере Голодной степи. – Изд. АН УзССР, 1959. – 178 с.

*Ковда В.А.* Водный и солевой баланс местности и орошаемых почв. В кн.: Почвы аридной зоны как объект орошения. - М.: Наука, 1968. – С.105-136.

*Костяков А.Н.* Основы мелиораций. – М.: Сельхозгиз, 1967. – 624 с.

*Крылов М.М.* Основы мелиоративной гидрогеологии Узбекистана. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1959. – 253 с.

*Лебедев А.В.* Методы изучения баланса грунтовых вод. – М.: Госгеолтехиздат, 1963.– 192 с.

*Мирзаев С.Ш., Бакушева Л.П.* Оценка влияния водохозяйственных мероприятий на запасы подземных вод. – Ташкент: Фан, 1979. – 117 с.

*Мухамеджанов Ш.Ш.* Создание основ системы безвозвратного использования водных ресурсов на орошаемых землях Узбекистана. – Ташкент: “Muharrir nashriyoti”, 2022. – 297 с.

*Охунов Ф.А.* Суғориладиган ҳудудларда ерости сувлари режимини ўрганишнинг илмий-услубий асослари (Қарши чўли мисолида): Автореф. дисс. ... г.м.ф.д. (PhD). – Тошкент, 2023. – 43 б.

*Рахматуллаев А., Баратов Х.А., Бекқулов И., Файзуллаев Ж.* Арид иқлимли Ўрта Зарафшон водийсининг грунт сувлар сифатига инсон хўжалик фаолиятининг таъсири / Чўлланиш муаммолари: динамика, баҳолаш, ечим. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2019. – Б.133-135.

*Рахматуллаев А., Равианов А.* Антропоген омиллар таъсирида Самарқанд вилояти ландшафтларида сув сифатидаги ўзгаришлар // Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 2014. 44-жилд. – Б.105-108.

*Рачинский А.А.* Возможности использования грунтовых вод для промывки и вегетационных поливов // Хлопководство. 1963. № 3. – С.22-30.

*Решеткина Н.М.* Перспективы использования грунтовых вод долины р.Зарафшан. В кн.: “Вопросы сельского хозяйства Зарафшанского бассейна”. –Ташкент, 1957. – С.44-49.

Рўзикулова О.Ш., Сабитова Н.И. Зарафшон дарё хавзаси воҳа геосистемаларининг мелиоратив ҳолатини баҳолашнинг географик асослари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 2015. 46-жилд. – Б.41-43.

Харченко С.И. Гидрология орошаемых земель. – Л.: Гидрометеиздат, 1975. – 373 с.

Ходжибаев Н.Н., Нейман Б.Я. Гидрологическое обоснование ирригационно-мелиоративных мероприятий. –Ташкент: Фан, 1982. – 89 с.

Эрлапасов Н.Б., Зияев Р.Р. Зарафшон дарёси оқимиға ер ости сувларининг кўшган ҳиссасини баҳолаш // Ўзбекистон табиий ресурслари ва улардан халқ фаровонлиги мақсадларида фойдаланиш. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2018. – Б. 11-13.

Якубов М.А., Якубов Х.И., Якубов Ш.Х. Коллекторно-дренажный сток Центральной Азии и оценка его использования на орошение. – Ташкент: Узбекистан, 2011. – 189 с.

## ИЗМЕНЕНИЕ РЕЖИМА ГРУНТОВЫХ ВОД СРЕДНЕ ЗЕРАВШАНСКИХ ОАЗИСОВ ПОД ВЛИЯНИЕМ ОРОШЕНИЯ

Б.Е. АДЕНБАЕВ<sup>1</sup>, Х.А. БАРАТОВ<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, bahtiyor.adenbayev@mail.ru

<sup>2</sup> Самаркандский государственный университет имени Шарофа Рашидова, xabib.baratov.87@mail.ru

**Аннотация.** В статье рассматриваются изменения режима грунтовых вод в результате орошения в оазисах Среднего Зеравшана. С этой целью в работе использованы данные Мелиоративной экспедиции Зеравшанского бассейнового управления ирригационных систем и Зеравшанской гидрогеологической экспедиции. На основании этих данных проанализированы изменения режима грунтовых вод под влиянием орошения за последние 1990-2021 годы. В результате установлено, что уровень грунтовых вод и их минерализация за последние годы повысились на орошаемых землях, с востока на запад в Средне Зеравшанского оазиса в связи с влиянием орошения.

**Ключевые слова:** оазис, орошаемые земли, мелиоративная экспедиция, режим грунтовых вод, минерализация, ионный состав, гипсовый слой.

## CHANGE IN GROUNDWATER REGIME MIDDLE ZERAVSHAN OASES UNDER THE INFLUENCE OF IRRIGATION

B.E. ADENBAEV<sup>1</sup>, Kh.A. BARATOV<sup>2</sup>

<sup>1</sup> National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, bahtiyor.adenbayev@mail.ru

<sup>2</sup> Samarkand State University named after Sharof Rashidov, xabib.baratov.87@mail.ru

**Abstract.** The article discusses changes in the groundwater regime as a result of irrigation in the oases of the Middle Zeravshan. For this purpose, the data of the Reclamation Expedition of the Zeravshan Basin Administration of Irrigation Systems and the Zeravshan Hydrogeological Expedition were used in the work. Based on these data, changes in the groundwater regime under the influence of irrigation over the past 1990-2021 are analyzed. As a result, it was found that the level of groundwater and its mineralization increased on irrigated lands, from east to west in the Middle Zeravshan oases due to the impact of irrigation in recent years.

**Keywords:** oases, irrigated lands, reclamation expedition, groundwater regime, mineralization, ionic composition, gypsum layer.

## REFERENCES

- Abdullaev S., Jabbarov Z.A., Zokirova S.K., Rakhmatov Z., Tursunkulova A., Islamova Z.* Kattaqorgon suv omborining atrof tuproq qoplami ekologik meliorativ holatiga ta'siri va uni yaxshilash chora-tadbirlari [Impact of the Kattakurgan reservoir on improving the ecological condition of the surrounding soil cover and measures to improve it]. – Toshkent: “Universitet”, 2020. – 100 b. (in Uzbek)
- Averyanov S.F.* Borba s zasoleniem oroshaemyx zemel [Fight against salinization of irrigated lands]. – M.: Kolos, 1978. – 288 s. (in Russian)
- Baratov X.A.* Iqlim ozgarishi sharoitida sugoriladigan hududlarda grunt suvlar minerallashuvini baholash (Orta Zarafshon vohalari misolida) [Assessment of groundwater mineralization in irrigated lands under climate change (as an example of Middle Zarafshan oases)] / Iqlim o'zgarishi sharoitida gidrometeorologik tadqiqotlar: dolzarb muammolar va ularning yechimlari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. – Toshkent, 2022. – B. 280-283. (in Uzbek)
- Baratov X.A., Adenbaev B.E.* Orta Zarafshon vohalari sugoriladigan yerlarining suv-tuz balansi [Water-salt balance of irrigated lands of Middle Zarafshan oases] // Ozbekiston geografiya jamiyati axboroti. 2022. 62-jild. – B. 173-177. (in Uzbek)
- Baratov X.A., Adenbaev B.E.* Orta Zarafshon vohalarida yer osti suvlari sathining sugorish rejimiga bogliqligi [Dependence of the groundwater level on the irrigation regime in the Middle Zarafshan oases] / Geografik tadqiqotlar: Innovatsion goyalar va rivojlanish istiqbollari II xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. – Toshkent, 2022. – B. 574-577. (in Uzbek)
- Duxovniy V.A.* Melioratsiya i vodnoe xozyaystvo zasushlivoy zoni [Reclamation and water management of the arid zone] – Tashkent: Mexnat, 1993. – 300 s. (in Russian)
- Kats D.M.* Kontrol rejima gruntovix vod na oroshaemix zemlyax [Groundwater regime control on irrigated lands]. – M.: Kolos, 1967. – 183 s. (in Russian)
- Kenesarin N.A.* Formirovanie rejima gruntovix vod oroshaemix rayonov na primere golodnoy stepi [Formation of the groundwater regime in irrigated areas on the example of the hungry steppe]. – Izd. AN UzSSR, 1959. – 178 s. (in Russian)
- Kovda V.A.* Vodniy i soleyoviy balans mestnosti i oroshaemix pochv [Water and salt balance of terrain and irrigated soils]. V kn.: Pochvi aridnoy zoni kak obekt oroshenie – M.: Nauka, 1968. – S. 105-136. (in Russian)
- Kostyakov A.N.* Osnovi melioratsii [Fundamentals of land reclamation]. – M.: Selixozgiz, 1967. – 624 s. (in Russian)
- Krilov M.M.* Osnovi meliorativnoy gidrogeologii Uzbekistana [Fundamentals of reclamation hydrogeology of Uzbekistan]. – Tashkent: Izd. AN UzSSR, 1959. – 253 s. (in Russian)
- Lebedev A.V.* Metodi izucheniya balansa gruntovix vod [Methods for studying the balance of groundwater]. – M.: Gosgeoltexizdat, 1963. – 192 s. (in Russian)
- Mirzaev S.Sh., Bakusheva L.P.* Otsenka vliyaniya vodoxozyaystvennix meropriyatiy na zapasi podzemnix vod [Assessment of the impact of water management measures on groundwater reserves]. – Tashkent: Fan, 1979. – 117 s. (in Russian)
- Muxamedjanov Sh.Sh.* Sozдание osnov sistemy bezvozvratnogo ispolzovaniya vodnyx resursov na oroshaemyx zemlyax Uzbekistana [Creating the foundations of a system for the irreversible use of water resources on the irrigated lands of Uzbekistan]. – Tashkent: “Muharrir nashriyoti”, 2022. – 297 s. (in Russian)
- Oxunov F.A.* Sugoriladigan hududlarda yerosti suvlari rejimini organishning ilmiy-uslubiy asoslari (Qarshi choli misolida) [Scientific and methodological foundations for studying the groundwater regime in irrigated areas (on the example of the Karshi steppe)]: Avtoref. diss. ... g.m.f.f.d. (PhD). – Toshkent, 2023. – 43 b. (in Uzbek)
- Raxmatullaev A., Baratov X.A., Bekqulov I., Fayzullaev J.* Arid iqlimli Orta Zarafshon vodiysining grunt suvlar sifatiga inson xojalik faoliyatining tasiri [The impact of human economic activities on the quality of groundwater in the Middle Zarafshan valley with an arid climate] / Chollanish muammolari: dinamika, baholash, yechim. Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. – Samarqand, 2019. – B. 133-135. (in Uzbek)
- Raxmatullaev A., Ravshanov A.* Antropogen omillar tasirida Samarqand viloyati landshaftlarida suv sifatidagi ozgarishlar [Changes in water quality in the landscapes of Samarkand region under the

influence of anthropogenic factors] // Ozbekiston geografiya jamiyati axboroti. 2014. 44-jild. – B.105-108. (in Uzbek)

*Rachinskiy A.A.* Vozmojnosti ispolzovaniya gruntovix vod dlya promivki i vegetatsionnix polivov [Possibilities of using groundwater for flushing and vegetation irrigation] // Xlopkovodstvo. 1963. № 3. – S. 22-30. (in Russian)

*Reshetkina N.M.* Perspektivi ispolzovaniya gruntovyx vod doliny r.Zarafshan [Prospects for the use of groundwater in the valley of the Zarafshan river]. V kn.: “Voprosi selskogo xozyaystva Zarafshanskogo basseyna”. – Tashkent, 1957. – S. 44-49. (in Russian)

*Roziqulova O.Sh., Sabitova N.I.* Zarafshon daryosi havzasi voha geosistemalarining meliorativ holatini baholashning geografik asoslari [Geographical basis of assessment of melioration status of oasis geosystems of the Zarafshan river basin] // Ozbekiston geografiya jamiyat axboroti. 2015. 46-jild. – B.41-43. (in Uzbek)

*Xarchenko S.I.* Gidrologiya oroshaemix zemel [Hydrology of irrigated lands]. – L.: Gidrometeoizdat, 1975. – 373 s. (in Russian)

*Xodjibaev N.N., Neyman B.Ya.* Gidrologicheskoe obosnovanie irrigatsionno-meliorativnix meropriyatiy [Hydrological substantiation of irrigation and reclamation measures]. – Tashkent: Fan, 1982. – 89 s. (in Russian)

*Erlapasov N.B., Ziyaev R.R.* Zarafshon daryosi oqimiga yer osti suvlarining qoshgan hissasini baholash [Assessment of the contribution of groundwater to the flow of the Zarafshan River] // Ozbekiston tabiiy resurslari va ulardan xalq farovonligi maqsadlarida foydalanish. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari. – Toshkent, 2018. – B. 11-13. (in Uzbek)

*Yakubov M.A., Yakubov X.I., Yakubov Sh.X.* Kollektorno-drenajniy stok Sentralnoy Azii i otsenka ego ispolzovaniya na oroshenie [Collector-drainage runoff of Central Asia and assessment of its use for irrigation]. – Tashkent: Ozbekiston, 2011. – 189 s. (in Russian)

УДК: 551.1:556.3 (556.55)

## ДАРЁЛАРНИНГ МАКСИМАЛ СУВ САРФЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Б.Ф. ҲИКМАТОВ<sup>1\*</sup>

<sup>1</sup> Фавқулудда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти, fvvfmi@umail.uz

**Аннотация.** Мақолада дарёлар максимал сув сарфларини ҳисоблаш усуллари масаласи тарихий ёндашувлар асосида таҳлил қилинган. «Энг катта сув сарфи», «максимал оқим», «оний максимал сув сарфи» каби тушунчаларга тавсиф берилган, уларнинг ўхшашлик томонлари ва фарқлари кўрсатилган. Мавжуд ифодаларнинг аниқликлари ва уларни амалиётда қўллаш қулайликларини таққослаш натижалари асосида тоғ дарёлари максимал сув сарфларини ҳисоблаш ифодаларининг энг мақбул вариантлари таклиф этилган, уларни такомиллаштириши имкониятлари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** дарё, сув сарфи, тўлинсув, тошқин, максимал сув сарфи, ҳисоблаш ифодалари, амалиётда қўллаш, такомиллаштириши имкониятлари.

